БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 132 (879)

3 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин

БУГУНГИ СОНДА:

ССР Иттифоқи Министрлар Советида (1-бет).

Қабарда-Балкар АССР адабиёти ва санъати кўригининг охирги концерти (1-бет).

Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг Бутунроссия кенгаши (1-бет).

Социалистик мусобақани кучайтириб, олинган мажбуриятнинг бажарилишига эришайлик (2-бет).

П. Антонов. — «Ўзбекистон» теплоходи (2-бет).

БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ ВИСТАВКАСИДА. **Ю. Мизюров.** — Илғор саноат тажрибаларининг умумхалқ мактаби (2-бет).

Культивация ва чопиқ сифатли бўлсин, ғўзалар кеча-кундуз қониб сув ичсин. — Ғ. Алибеков. — Моҳир универсалчилар ва фидокор колхозчилар. **Акмал ПУЛАТ.** — «Пойгачи» — универсалчи (3-бет).

КАРТОШКА ВА САБЗАВОТ МУЛ-ҚУЛЛИГИ УЧУН. **Ш. Кузанбоев.** — Экинлар юқори сифатли парвариш қилинсин (3-бет).

Л. Резников. — Гарибальди туғилган куннинг 150 йиллиги кунларидаги Италия (3-бет).

Т. Нажмиддинов. Пионерлар лагерида (4-бет).

Ер юзининг ҳамма станциялари кузатмоқда. Халқаро геофизика йили бошланди 4-бет).

Халқ бахт-саодати тўғрисида партиянинг улуғ ғамхўрлиги

Кун сайин Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги туфайли бўладиган шонли байрамга яқинлашмоқдамиз. Бу воқиа инсониятнинг тақдирида, бутун дунёдаги миллион-миллион оддий кишиларнинг ҳаётида янги давр бошлаб бериб, инсоният солномасида жаҳоншумул тарихий чегара бўлиб қолди.

Шу кунларда ҳар бир совет киши социалистик қурилишнинг ўтган йилларида босиб ўтилган йўлни кўз олдига келтиради. Революция доҳиси Владимир Ильич Ленин яратган ва вояга етказган қаҳрамон коммунистлар партияси бенизоя қаттиқ қийинчиликларни енгиб, душманларнинг, зиёнчиларнинг, ваҳима солувчиларнинг кирдикорларини тор-мор келтириб, мамлакатни Улуғ Октябрь очиб берган йўлдан ишонч билан олиб борди ва олиб бормоқда.

Бизнинг мамлакатимизда янги ижтимоий тузум — социализм ғалаба қозонди. Бу янги ижтимоий тузумда ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулк бўлиши учун ҳам, одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши учун ҳам ўрин йўқ. Бизнинг ёшларимиз самодержавие ва капиталистик қуллик даврида қолган ҳужжатлар ва ёдгорликларни жуда ғалати бир нарса деб билиб кўздан кечирмоқдалар. Ишчиларнинг ўтмишидаги ҳуқуқсизлигини, меҳнаткашлар оммасининг маданиятсизлиги, ишсизлиги, қашшоқлигини ёшларимизнинг тасаввур қилиши қийин гап.

Октябрь революциясининг энг катта ғалабаларидан бири шуки, халқ биринчи марта ўлароқ ўз мамлакатининг, мамлакатлари ҳамма бойликларининг, меҳнаткашлар оммасининг меҳнати ва таланти билан кун сайин яратилаётган ҳамма нарсаларнинг бирдан-бир ва тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бизнинг саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз, фан ва маданиятимиз шунчалик ишонч ва дадиллик билан, гоят катта қадам ташлаб олга бормоқда.

Ленинча бош йўл изчиллик билан ўтказиб келинганлиги, Коммунистик партия жуда катта ташкилотчилик ишларини олиб борганлиги, халқ оммаси фидокорона меҳнат қилганлиги натижасида СССР да мамлакат қудрати ва фаровонлиги асосларининг асоси бўлган биринчи даражали индустрия барпо қилинди.

Оғир индустриянинг устун даражада ривожлантирилаётганлиги социалистик экономиканинг ҳамма тармоқларини муваффақиятли ривожлантириб боришга, қишлоқ хўжалигини, халқ истеъмол қиладиган хилма-хил товарларни ишлаб чиқараётган саноатни заруф техника билан қуроллантиришга имкон беради. Эски Россия қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдан иборат жуда катта программани амалга оширишни ҳаёлдан ўтказармиди? Бизнинг мамлакатимиз эса, шу вазифани қўйди ва ҳал қилишга муваффақ бўлди. 35,9 миллион гектар янги ерни ўзлаштирмоқ учун қудратли техника — кўп минглаб трактор, комбайнлар, молотилкалар, автомашиналар керак эди. Саноат мана шу қудратли техникани етиштириб берди.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг қарорларига мувофиқ саноат ва қурилишни бошқариш қайта ташкил этилди. Бу эса ишлаб чиқариш резервларидан яхшироқ фойдаланиш, техниканы тараққий эттириш, оммани ижодий активлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб берди.

Коммунистик жамият, деб ёзган эди бундан кўп йиллар аввал Владимир Ильич Ленин, «жамиятнинг **ҳамма** аъзоларига **тўла** фаровонликни ва уларнинг **ҳар томонлама** эркин ривожланишини таъминлаб бермоқ учун» барпо қилинади. Ҳозирги вақтда Ленининг мана шу ўлмас ҳақиқати кунлик ҳаётда рўёбга чиқарилмоқда. Совет мамлакатида қилинаётган ишларнинг ҳаммаси, қурилаётган ва яратилаётган нарсаларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг бойлигини ва қудратини кўпайтириш билан бирга, халқ оммасининг турмуш даражасини кун сайин оширмоқда.

Верх-Исетск заводида ота-боболари ҳам ишлаб келган қозончитемирчи Иван Максимович Скачков «Уральский рабочий» газетасида ўз фикрларини ёзиб, бундай деди: «Ҳар бир ишчи Совет ҳокимияти даврида илгариги замондагига қараганда юз баравар яхши яшайдиган бўлиб қолди. Кўнгил тинч бўлгандан кейин ғайратга-ғайрат қўшиб ишлагинг келади». Иван Максимович 63 ёшга киргач, давлат унга пенсия бериб қўйибди, лекин у бир неча ўн йиллардан бери ишлаб келганлиги учун ўзига қадрдон бўлиб қолган цехдан кетишни ҳозирча ўйламайди. Иван Максимовичнинг оиласи ҳам ишчи оила. Ўғли токар, қизи ҳам заводда ишлайди. «Эски замон бўлганида, деди И. М. Скачков, мен аллақачон ишга яроқсиз бўлиб қолур эдим, илгари заводчилар жексайиб қолган ишчиларни заводдан ҳайдаб юборганликлари сингари мени ҳам ишдан ҳайдаб юборган бўлур эдилар... Отам ўлгудек ишлар эди, аммо, шу меҳнат учун арзимас пул олар эди. Топган пули этик сотиб олишга етмас эди, чипта кавуш кийиб юрар эдик. Биз, унинг болалари қуёв бўлгунимизча ҳам яланг оёқ юрганмиз, калиш кийиш бизнинг энг катта орзумиз бўлганлиги ҳали ҳам эсимда». Эндиликда ишчилар оиласи зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланган. Корхона бу ишчи оиласига яхши квартира бериб қўйибди. Оила бошлиғи ўз меҳнати учун кўпгина фахрий ёрлиқлар олган.

Урал заводидаги бу кекса ишчининг тақдирини кам учрайдиган бир нарса деб ҳисоблаш мумкинми?

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди кўрсатиб ўтганидек, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсганлиги халқнинг турмуш даражасини тўхтовсиз ошириб бориши учун реал имкониятлар вужудга келтирди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съездидан сўнг ўтган кейинги вақтда меҳнаткашларнинг фаровонлигини яхшиламоқ учун аниқса кўп иш қилинди. Партия томонидан бутун халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилган тадбирларнинг реал натижаларини ўзида сезмаган битта ҳам оила йўқдир. Давлат пенсиялари тўғрисидаги янги Қонун амалга оширилди. Кам ҳақ тўланадиган ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи оширилди. Шанба ва байрам олди кунларида иш куни камайтирилди. Ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиганлик учун олинадиган ҳақ бекор қилинди. Хотинларга бериладиган ҳомиладорлик отпускаларининг муддати узайтирилди. Олтинчи беш йилликда ишчилар ва хизматчилар аста-секин етти соатлик иш кунига ўтказилади.

Колхоз қишлоғи меҳнаткашлари халқ фаровонлигини ошириш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Партия ва ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар туфайли экин майдонлари анча кенгайтирилди. Мамлакатимиз ҳеч қачон ўтган йилгидек кўп ғалла ҳосили олмаган эди. Пахта, қанд лавлаги, сабзавот, картошкадан олинган ҳосил ҳам кўпайди.

Марказий статистика бошқармаси томонидан ўтказилаётган бюджет текширишларининг материаллари совет кишиларининг турмуш даражасининг тўхтовсиз ошиб бораётганлигини кўрсатади. Урушдан олдинги 1940 йилдагига нисбатан 1956 йилда ишчи оилалари, масалан, газламани ўрта ҳисоб билан 94 процент, шу жумладан жун газламаларни уч ярим баравар кўп, чарм пойафзални 83 процент кўп сотиб олганлар. Колхозчи оиласида ҳар бир жон бошига газламалар 1940 йилдагига қараганда икки баравар кўп, шу жумладан жун газламалар уч ярим баравар кўп, чарм пойафзал 95 процент кўп сотиб олинган.

Партия меҳнаткашларнинг саноат молларига бўлган ва тўхтовсиз ўсиб бораётган талабини тўғри ҳам тўлиқроқ қондириш тўғрисида зўр ғайрат сарфлаб, ғамхўрлик қилмоқда. Халқ истеъмол қиладиган моллар чиқаришни кўпайтирмоқ, уларнинг сифатини оширмоқ, совет савдосини яхшиламоқ учун чоралар кўрилмоқда.

Совет кишилари яхшироқ овқатлар ейдиган, яхшироқ кийинадиган, маданий яшайдиган бўлиб қолдилар. Бу — халқимиз Коммунистик партия раҳбарлиги остида моддий фаровонликни тинмай юксалтириб бораётганлигининг натижасидир.

Яқинда мамлакатимиз сут тайёрлаш ва харид қилиш ярим йиллик планини муддатидан олдин бажарилганлиги тўғрисидаги хабарни катта мамнуният билан кутиб олди. Давлатга ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда 26 процент кўп сут топширилди ва сотилди.

Партия қишлоқ хўжалиги эришган муваффақиятларга таяниб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига яқин йиллар ичида етиб олиш вазифасини умумхалқ вазифаси қилиб қўйди. Қишлоқнинг миллион-миллион меҳнаткашлари бу чақириқни қизғин маъқуллаб, кутиб олдилар, чунки бу чақириқ барча меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушди.

Партиямизнинг экономикани ривожлантириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш соҳасидаги сиёсати Марказий Комитет томонидан маҳаллий ташкилотларнинг ва бутун партиянинг тўла ёрдамига таяниб, ишлаб чиқилган ленинча сиёсатдир. Партиямиз ўзининг ленинча сиёсатини амалга ошириш учун курашда тағин ҳам кучлироқ бўлиб қолди ва тағин ҳам кўпроқ жипслашди. Совет халқи партия сиёсатини қизғин маъқулламоқда ва ниҳоят даражада қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсатнинг амалга оширилиши коммунизмнинг янги ғалабаларига олиб келишга ишонади.

Совет мамлакати катта сиёсий ва хўжалик юксалишига эришмоқда. Турмуш билан алоқаси узилиб қолган, нолишдан бошқани билмайдиган ва имони суст бўлган, халқ оммасининг ижодий юксалишини кўрмаётган кишиларгина партиямиз белгилаган планларнинг реаллигига шубҳаланиб қарашлари мумкин. Фақат сиёсий кўрлар ва социализмга дўст бўлмаган кишиларгина партиямиз ва совет халқининг муваффақиятларини инкор қилишлари мумкин. Коммунистик партия ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагига жипслашган халқимизнинг кучи ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас, муъжизалар ярата оладиган кучлир. Совет халқининг ўз кучига бўлган ишончини ҳеч ким бўшаштира олмаган ва бўшаштира олмайди. Коммунистик партия бизнинг коммунизм қуриш йўлида олга боришимизга тўсқинлик қилувчиларга қарши ҳамиша курашиб келди ва кураша беради.

Кейинги вақтларда партия ва ҳукумат барча партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг эътиборини уй-жой проблемасини ҳал қилишга кескин равишда бурди. Ўтган йил шаҳарларда ва ишчи поселкаларида умумий сатҳи 36 миллион квадрат метрга баравар келадиган янги уйлар қурилди. бу эса, Киев, Бақу, Харьков, Горький, Свердловск ва Челябинск сингари катта шаҳарларнинг ҳаммасини кўшиб ҳисоблаганда улардаги бутун уй-жой майдонига тенг келади. Бундан ташқари, қишлоқ жойларида 700 мингга яқин янги уйлар қурилди.

Бу йил 46 миллион квадрат метрдан кўпроқ янги уй-жой майдони қурилади. Бу рақамни яққол тасаввур қилмоқ учун шуни эслатиб ўтиш керакки, революциядан олдинги Москвада ҳаммаси бўлиб атиги 12 миллион квадрат метр чамаси уй-жой бор эди. Халқнинг кенг ташаббуси уй-жой бинолари қуришнинг муваффақиятли боришига ёрдам бермоқда. Бу муҳим ишда ўн ва юз минглаб ишчи ва хизматчилар горькийликлардан ибрат олиб қатнашмоқдалар.

Совет кишилари маданият ва фан соҳасида эришилган муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бизнинг мамлакатимизда умумий етти йиллик таълим жорий қилинди ва олтинчи беш йилликда шаҳарларда ва қишлоқ жойларида асосан умумий ўн йиллик ўрта таълимни жорий қилиш чоралари кўрилмоқда. Олий ўқув юртларида ва техникумларда ҳозирги вақтда 4 миллиондан кўпроқ киши ишдан бўшаб ва бўшамаган ҳолда ўқимоқда. Совет олий ўқув юртларида 2 миллионга яқин студент бор, бу эса, Европанинг ҳамма капиталистик мамлакатларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардаги студентларга қараганда икки баравардан зиёд кўпдир. Малакали кадрлар тайёрлашнинг миқъёси жиҳатидан СССР жаҳонда биринчи ўринда туради.

Коммунистик партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисида, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра олийроқ мақсади йўқ. Дурust, совет кишилари олдида ҳали ҳам бир қанча қийинчиликлар бор, партия бу қийинчиликлардан кўз юммайди ва буни халққа очиқ ҳамда ошкора қилиб айтади. Партия социалистик экономикани қунт билан ва муттасил зўр бериб юксалтираётганлигини, барча меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини тинмай ошираётганлигини халқ кўриб турибди ва партиянинг бу ишини қадрлайди. Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларда бўлган улуғ ленинча партиямизга чуқур муҳаббат ва ишончнинг манбаи мана шундадир.

(«Правда»нинг 2 июлдаги бош мақоласи).

ССР Иттифоқи Министрлар Советида

Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент газ қувури қуриш тўғрисида

Ўзбекистон ССР шаҳарларидаги аҳолини, коммунал, маиший ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминлаш мақсадида ССР Иттифоқи Министрлар Совети Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Госпланининг таклифини кўриб чиқиб, Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд—Тошкент магистрал газ қувури қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қарорида кўрсатилишича, газ қувури қурилиши 1958 йилда бошланади ва 1960 йилда битказилади. Газ қурилишининг Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд участкасидаги биринчи навбат қисми 1959 йилда ишга туширилиши мўлжалланади.

Газ қувурини ССР Иттифоқининг «Главгаз»и қуради.

РСФСР Министрлар Советига «Ленгипроинжпроект» проектлаш институтининг кучлари билан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини 1958 йил 1 октябрга қадар, Тошкентни 1959 йилда ва мазкур газ қувури трассасига бевосита яқин ерлардаги бошқа шаҳарларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан келишилган муддатларда газификация қилиш учун тегишли проект—смета ҳужжатлари ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди.

ССР Ҳукумати Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ССР «Главгаз»ига Бухоро ва Хива шаҳарлари районига газ чиқадиган жойларни топиш мақсадида геология-излаш ва қидириш ишларини бажаришни таъминлаш ҳамда шу райондаги газ чиқадиган жойларни 1957-1959 йилларда кенг миқёсда ишга туширишга тайёрлашни топширди.

БАРҚ УРИБ ЯШНАГАН ИЖОДИЙ КУЧЛАР

Қабарда-Балкар АССР адабиёти ва санъати кўригининг охирги концерти

Қабарданинг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилганлигининг 400 йиллигини нишонлаб, Қабарда-Балкар АССР адабиёти ва санъатининг Москвадаги кўриги тўққиз кун давом қилди.

Республика вакиллари москваликларни ўз адабиётлари, театр ва тасвирий санъатлари, музика маданиятлари билан танишдирилар. Ёзувчилар ва артистлар, пойтахт корхоналарининг ишчилари, Москва областининг колхозчилари билан учрашдилар.

1 июлда СССР Большой театрининг саҳнасида бўлган охирги концертда кўрик қатнашчилари иштирок қилдилар. Бу концерт Кабарда драма театрининг «Абалий биргамиз» деган спектаклидан олинган бир кўриниш билан бошланди. Республика драматургларидан бири бўлган Аскарби Шортанов ёзган бу пьеса бундан тўрт аср муқаддам Кабарданнинг рус давлати составига ўз ихтиёри билан қўшилганлигини кўрсатувчи улуғ воқиага бағишланган.

Сўнгра, Қабарда-Балкар АССР давлий коллективлари — Кабарда филармониясининг хор ва рақс коллективлари, солистлари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Концерт «Дўстлик» рақси сюитаси билан тугади.

Кабарда-Балкар маданияти муваффақиятларининг ижодий кўриги ленинча миллий сиёсатнинг гоят донолигини, совет тузумининг асло бузилмас мустаҳкамлигини, бутун Совет Иттифоқиларга қардош халқларнинг бузилмас бирлигини кўрсатувчи яна бир далил бўлди.

Концертда Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Н. М. Шверник, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Концерт катта муваффақият билан ўтди. (ТАСС).

ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ БУТУН РОССИЯ КЕНГАШИ

1 июлда Москвада ишчи ва қишлоқ мухбирларининг Бутун Россия кенгаши очилди. КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси томонидан чақирилган бу кенгашда Россия Федерациясининг ўлкалари ва областлари, автоном республикалари ва миллий округларидан келган 600 дан кўпроқ вакил қатнашмоқда.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Россия Федерацияси бўйича пропаганда ва агитация бўлимининг мудири В. П. Московский очди.

«Советская Россия» газетасининг иши ҳамда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг вазифалари тўғрисида газетанинг бош редактори ўртоқ Ерофеев доклад қилди. У айтдики, ҳозирги вақтда республикада 4.600 тадан кўпроқ газета чиқмоқда. Бу газеталарнинг умумий тиражи 35 миллион нусхадан ортик.

Ўртоқ Ерофеев газетанинг партия XX съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун қандай курашаётганлигини, кўп сонли ишчи ва қишлоқ мухбирлари активлари «Советская Россия» газетасининг ишини яхшилашда катта роль ўйнаши лозимлигини айтиб берди.

Кенгашнинг биринчи кунида докладни муҳокама қилишда Ленинграддаги Киров заводининг энг кекса ишчи мухбири ўртоқ Мухин, портал кранининг машинисти ўртоқ Лубенский (Узоқ Шарқ), шоир Михалков, «Ленинский путь» газетасининг редактори Осипов (Москва области) ва бошқалар қатнашдилар.

2 июлда кенгаш ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

Қишлоқ хўжалигида заҳарли моддаларни қўлланиш гигиенасига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ конференция

КИЕВ, 1 июль. (ТАСС). Қишлоқ хўжалигида заҳарли моддаларни қўлланиш гигиенасига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ конференция ўз ишини тамомлади. Конференция ишларида Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия ва Латвия ССРнинг медик, химик ва энтомолог олимлари ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассислари қатнашдилар.

Конференцияда қайд қилиндики, ўсимлик зараркунандаларига ва касалликларига қарши химик препаратлар қўлланиш йўли билан кураш олиб бориш турли экинларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим факторидир. Ўсимликларни муҳофаза қилиш учун қилинадиган харажатлар ҳосилни сақлаб қолиш йўли билан 8-10 баравар қопланади.

Конференция қишлоқ хўжалик ўсимликларининг касалликларига ва зараркунандаларига қарши кураш учун энг самарали препаратларни танлаб олиш тадбирларини ҳамда бу препаратларни одамлар учун хавфсиз қилиб сақлаш ва қўлланиш усулларини ишлаб чиқди.

Республикамиз экономикаси янада юксалади

Бутун газеталарда ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Жарқоқ-Бухоро—Самарқанд-Тошкент газопровод магистралини қуриш ҳақидаги қарори эълон қилинмоқда. Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари Иттифоқ ҳукуматининг бу қарорини гоят хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Газопровод — республикамиз индустриясининг янги соҳасидир. У қурилиб ишга тушгач, Ўзбекистон шаҳарларидаги меҳнаткашлар, коммунал-маиший ва саноат корхоналари юқори сифатли ва шу билан арзон баҳоҳаги ёқилғи билан таъминланадилар. Бу объект қурилиши битказилиб, ишга туширилиши билан республикамиз саноатини яна ҳам тез суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг маиший аҳволини тағин ҳам яхшилаш учун гоят катта имкониятлар вужудга келади. Газнинг трубалар орқали юборилиши туфайли ҳозирги вақтда саноат корхоналари ва аҳолининг эҳтиёжлари учун ёқилғи ташиш билан банд бўлиб келаётган автомобиль ва темир йўл транспортининг каттагина қисми бошқа эҳтиёжлар учун бўшатиб берилади. Республика саноатининг йирик маркази ва аҳоли кўп яшайдиган пойтахтимиз учун газнинг жуда катта аҳамияти бор.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қарорида кўрсатилиб ўтишича, бу газопровод магистралини қуриш ишлари келгуси йилдан бошланади ва 1960 йилда батамом битказилади. Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд участкасидан иборат бўлган газопроводнинг биринчи навбатини 1959 йилдаёқ ишга туширишни мўлжалланмоқда. Иттифоқ ҳукумати бу гоят муҳим объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни «Ленгипроинжпроект» лойиҳалаш институтига топширди. Газопровод қурилиш ишларини ССР «Главгаз»и олиб боради.

Ҳар сафаргидек бу сафар ҳам улуғ рус халқи республикамиз саноатининг янги тармоғини вужудга келтиришда яқиндан ёрдам беради. Москва, Ленинград ва Иттифоқимизнинг бошқа оғир индустрия марказининг ишчилари Ўзбекистон газопроводи учун зарур бўлган асбоб-ускуналари, машина ва механизмларни етказиб беради. Хуллас, республикамиз саноатининг бу янги соҳасини бунёд этиш ишида бу гал ҳам бутун мамлакат актив иштирок этади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати миллий республикаларнинг, айниқса ўтмишда қолоқ бўлиб келган чекка ўлкаларнинг экономикасини, даставвал бу ерларда оғир индустрияни вужудга келтириш ва уни тобора ривожлантириш тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газопровод магистрали қурилиши ҳақидаги ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қарори ана шу ғамхўрликнинг янги ва ёрқин далилидир. Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг Ўзбекистон саноатининг янги соҳасини вужудга келтириш тўғрисида белгилаган бу гоят катта тадбирига жавобан КПСС XX съездининг тарихий қарорларини бажариш йўлида ўзларининг куч ва ғайратларини янада оширадилар, давлат планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар.

Саноатни ҳамда аҳолини газ билан таъминлаш йўлга қўйилиши билан корхоналарда ишлаб чиқариш маданиятини кескин равишда ошириш имконияти вужудга келади. Хонадонларга газ трубалари келтирилгач, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизларимизнинг меҳнати гоят енгилдашади.

Газ — кун сайин тинмай ривожланиб бораётган республикамизнинг янги тармоғидир. Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газопровод магистралининг қурилиши ўз навбатида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари зиммасига, саноат корхоналари коллективлари зиммасига катта ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Бу гоят муҳим объект қурилишига келгуси йилдан бошлабоқ киришилади ва у, тез суръатлар билан олиб борилади. Шу муносабат билан республикамиз, жумладан область саноати олдига янги вазифалар қўйилади. Саноат корхоналарининг коллективлари, даставвал машинасозлик ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар Ўзбекистон газопровод магистрали қурувчиларининг заказларини қисқа муддат ичида юқори сифатли қилиб бажаришлари лозим.

Ҳеч шубҳа йўққи, табиатнинг ўжарлигини қадамба-қадам бўйсундириб келаётган совет халқи бу сафар ҳам асрлар бўйи фойдаланилмаётган газни Ватанимиз бойликларини кўпайтириш ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш йўлига хизмат қилдирадилар.

Пландан ташқари маҳсулот

Тошкентдаги гўшт комбинати ишчи ва хизматчилари аҳоли истеъмоли учун гўшт ва гўшт маҳсулотларини кўпроқ чиқариш учун ҳамма чора ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Улар йил бошидан бери мавжуд механизмлардан, ишлаб чиқариш майдони ва иш вақтининг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиш натижасида 6 ойлик давлат планини муддатидан деярлик икки ҳафта олдин бажаришга муваффақ бўлдилар. Шу кунгача пландан ташқари 8 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Саллоҳлик цехи ишчилари келган молларни тезда қўлдан чиқариш учун курашни қизитиш натижасида 6 ойлик планга қўшимча равишда 744 тонна гўшт бердилар. Цехлараро мусобақада иккинчи ўринда бораётган колбаса цехи коллективи эса белгиланганидан 300 тонна кўп колбаса ишлаб чиқарди.

М. ЗАРИПОВ.

Область колхозларида ғўза парваришининг бориши тўғрисида 1957 йил 30 июнгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Узунасига культивация		Кўндалангига культивация		Чопиқ		Суғориш		Озиқлантириш
	Учинчи	Биринчи	Иккинчи	Учинчи	Иккинчи	Учинчи	Биринчи	Иккинчи	
Оққўрғон	101,0	93,0	72,3	21,9	56,8	—	53,3	—	117,5
Боёвут	100,0	53,3	26,6	—	79,5	10,8	80,3	14,0	167,8
Бекобод	159,0	77,5	45,1	0,9	83,5	12,4	96,6	58,2	154,2
Бўстонлиқ	80,4	29,8	—	—	84,0	22,3	100,0	73,1	102,7
Бўка	106,2	82,2	61,4	18,6	84,6	35,1	97,1	33,1	130,0
Верхне-волинск	118,0	79,7	71,2	33,8	78,0	34,7	100,0	13,8	169,5
Юқори Чирчиқ	132,6	44,2	27,6	6,6	97,3	67,7	100,0	65,7	115,0
Гулистон	136,4	70,0	42,8	—	94,0	30,2	100,0	58,0	156,5
Калинин	95,1	3,2	3,2	3,2	89,2	17,0	86,3	—	98,5
Мирзачўл	128,5	30,7	8,1	0,1	100,0	73,9	98,3	64,1	168,6
Октябрь	97,3	52,0	27,9	3,5	71,5	17,9	79,6	30,9	109,0
Оржоникидзе	142,0	47,4	8,2	—	94,1	37,5	78,6	20,4	256,2
Пискент	100,1	99,0	80,0	44,2	81,7	24,8	100,0	66,8	140,0
Ўрта Чирчиқ	129,0	85,5	62,7	22,4	95,3	42,4	94,6	26,9	173,3
Сирдарё	134,1	65,5	50,5	24,8	93,4	32,9	86,9	48,1	155,5
Ўртасарой	106,9	95,2	94,8	41,9	94,7	34,9	100,0	48,0	141,0
Чиноз	153,1	81,5	67,3	15,1	82,3	20,2	100,0	45,2	170,7
Янгийўл	96,0	53,8	32,2	6,1	92,3	28,3	69,3	6,0	166,0

Социалистик мусобақани кучайтириб, олинган мажбуриятнинг бажарилишига эришайлик

(Тошкент область комсомол комитетининг пленумидан)

Яқинда Тошкент область комсомол комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Кенжаевнинг «Область комсомол ташкилотлари томонидан ёш пахтакорларнинг II слётида қабул қилинган мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида»ги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Докладчи область комсомоллари ва ёшларининг кўкламги экиш бошлангандан буён дала ишларида актив қатнашиб, олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўрсатиб ўтди.

Областда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги ва жаҳон ёшларининг VI фестивали шарафига бошланган социалистиқ мусобақага қўшилган 1500 звено, 470 комсомол-ёшлар бригадаси ғўза қатор ораларига ишлов беришни кучайтириб, пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бу соҳада айниқса Пискент район комсомол-ёшлари намуна бўларлик иш қилмоқдалар. Райондаги Калинин номли колхознинг Эшбой Алиқулов, Булганин номли колхознинг Ҳалима Қодирова, Ленин номли колхознинг Фахри Аббосов ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаларида ва кўпгина илғор звеноларда ғўза парваришн ҳар томонлама кучайтирилиб, ҳозирги вақтда бу бригада ва звеноларнинг ғўзалари еппасига ғулга кирди.

Ғўза парваришида олдинда бораётган Сирдарё районидаги Маленков номли, Охунбобоев номли, «Ҳақиқат», «XIX партсъезд», Бўка районидаги Хрушчев номли, Каганович номли, Молотов номли, Чиноз районидаги Ленин номли колхозларнинг комсомол - ёшлар бригадаларидаги ғўзалар ҳам яхши ривожланмоқда.

Шу билан бир қаторда докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар мўл ҳосил етиштиришнинг ҳозирги ҳал қилувчи даврида кўпгина колхоз ва совхозларда ғўза парваришидаги қолоқлик ҳамон давом этаётганлигини ҳам конкрет мисолларда кўрсатиб ўтдилар. Ўтган йили пахтадан юқори ҳосил етиштирган Оржоникидзе районидаги бир қатор колхозлар бу йил энг орқада қолмоқдалар. Бу йилги об-ҳавонинг ноқулай келиши ғўза парваришини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12-15 кунга кечиктириб юборди, айрим колхоз бригадаларидаги ғўзаларни бегана ўт босиб кетган. Баъзи колхозлардаги комсомол-ёшлар ғўза парваришига тўлиқ жалб этилмаган. Чунончи, Хрушчев номли колхозда 43 комсомол бўлгани ҳолда 13 киши, «Сталинград» колхозидаги 60 комсомолдан 26 киши ғўза парваришида қатнашмоқда. Маленков номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозларида айрим комсомол-ёшлар дала ишига бутунлай чиқмаётирлар.

Бундай аҳволни Бўка, Чиноз, Мирзачўл, Янгийўл районларидаги айрим колхозларда ҳам учратиш мумкин. Бу — район комсомол комитетлари, колхоз, совхоз ва МТС бошланғич комсомол ташкилотларининг комсомол-ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишларни кучайтириш, социалистик мусобақани қизитиш ва олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга етарли эътибор бермаётганликларини кўрсатади.

Музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқ Кушеров Бекобод районидаги комсомол-ёшларнинг дала ишларига тўлиқ жалб қилинмагани, ёшларнинг фақат 70 процентга яқинигина ўз кундалиқ нормасини бажараётгани, жойларда комсомол постларининг ташкил этилмагани ҳақида гапирди.

Пленум қатнашчилари Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедованинг сўзини эътибор бериб тингладилар. У айтдики, область ва район комсомол комитетлари ходимлари ёшлар ўртасида камдан-кам бўладилар, социалистик мусобақанинг якунлари билан унчалик қизиқмайдилар, олинган мажбуриятнинг бажарилишини системали равишда контроль қилиб турмайдилар.

Шунингдек, сўзга чиққан Пискент район комсомол комитетининг секретари Дадабоев, Мирзачўл районидан Абдуллаев, Чиноз районидан Рустамов, Оржоникидзе районидан Азимов, Сирдарё районидан Муродов ўртоқлар ғўза парвариши давридаги ишлар, айниқса бегана ўт, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни кучайтиришда комсомол-ёшларнинг активлигини ошириш, улар ўртасидаги социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини тез-тез якунлаб туриш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган қарор қабул қилди.

Оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилган колхозда

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари бу йил 1200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашни тобора кучайтирмоқдалар. Шу кунгача барча майдондаги ғўзалар иккинчи чопиқдан чиқарилиб, озиқлантириш ва суғориш ишлари юқори агротехника қоидалари асосида олиб борилаётир.

Колхоз партия ташкилоти колхозчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни бевосита дала шийпонларига кўчириб, уни ғўза парваришини кучайтириш билан боғлаган ҳолда олиб бормоқда. Партия ташкилоти ҳузуридаги агитпунктда 12 агитатор ишлаб турибди. Улар колхозчилар ўртасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга қаратилган Мактубини ишлаб чиқдилар ва шу масала юзасидан жонли суҳбатлар ўтказдилар. Натижада илгари далада 600 киши ишлаб турган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони 700 кишига етди. Шу кунларда ёшлар билан бир қаторда колхоздаги кексалар ҳам ғўза парваришида актив қатнашмоқдалар.

Колхознинг 11-бригадасига бириктилган агитатор ўртоқ Аҳмедов яқинда «Сувни тежаб-тергаб сарфлаймиз» деган темада суҳбат ўтказди. У суҳбат давомида колхозда, шу жумладан бригадада сувдан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам конкрет мисолларни келтирди.

Колхоз агитпункти ҳузурида 12 кишидан иборат лекторлар группаси ташкил этилган. Унга ўқитувчи, зоотехник, агроном ва колхознинг раҳбар ходимлари жалб этилган. Яқинда лектор ўртоқ А. Мирзаҳмедов «Халқаро аҳвол ва Совет давлатининг ташқи сиёсати», зоотехник В. Қўлдошев «Сут маҳсулотларини оширишнинг ички резервлари ҳақида» лекция ўқидилар. Улар ҳар бир лекцияни колхоз ишлаб чиқаришига боғлаган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ А. Убайдуллаҳўжаев ғўзанинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш темасида лекция ўқиганида уни колхоздаги аҳвол билан боғлаб ва бу соҳадаги мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб берди.

Колхоз партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни бевосита дала шийпонларига кўчириб, колхозчиларни ғўза парваришини янада кучайтириш учун курашга сафарбар этмоқда.

А. ИСМОИЛОВ.

Ҳозирги ёз ойларида Каспий денгизи сувларида — Боку, Махачкала ва Астрахань ўртасида улкан теплоход қатнаб турибди. Қишда, Волга дарёси ва Каспий денгизининг шимолий қисми музлаганда теплоход Боку ва Красноводск ўртасида қатнай бошлайди.

Ҳар қандай шторм ва туманли об-ҳаво шароитида ҳам хавфсиз ҳаракат қилиш имкониятини берадиган энг янги, ҳозирги замон радионавигация приборлари билан ускуналанган бу йирик пассажир сув транспортининг номи «Ўзбекистон» деб аталади. Теплоходда йўловчилар учун зарур шароитларнинг ҳаммаси яратилган. Шунинг учун ҳам у доим одамлар билан гавжум бўлади.

Теплоход командаси ўз транспортининг «Ўзбекистон» деб аталиши билан фахрланади. Теплоходда Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари — пахтакорлар ва нефтчилар, тўқимачилар ва узумчи сохибкорлар тўғрисида тез-тез суҳбатлар ўтказиб турилади. Ўзбек халқи маданиятининг гуллаб-яшнаётганлиги, халқ моддий фаровонлигининг юксалаётганлиги ва шаҳар, қишлоқларнинг обод, кўркам бўлиб бораётганлиги тўғрисидаги суҳбатларни команда аъзолари айниқса мароқ билан тинглайдилар. Республика ҳақидаги суҳбатлар баъзан теплоход радиоузелидан ҳам эшиттирилади.

«Ўзбекистон» теплоходида аҳил ва иноқ коллектив вужудга келган. Улар йўловчиларга хизмат кўрсатишни тобора яхшилаб, Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Суратда: «Ўзбекистон» теплоходи Волга-Каспий канали бўйлаб Махачкаладан Астрахань ва Олмоқда.

Фото ва текст **П. АНТОНОВнинги.**

Астрахань шаҳри.

Фан ва техника оламида

ТЕЛЕМЕХАНИКА НЕФТЬ КОНЛАРИДА

СССР Фанлар академияси автоматика ва телемеханика институтининг илмий ходимлари нефть саноатининг илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотларининг ходимлари билан биргаликда нефть конларининг ишини автоматик равишда назорат қилиб борадиган янги система яратдилар. Нефть конининг ишлари кишининг бевосита иштирокисиз, радио телемеханиканинг ёрдами билан назорат қилиб борилади. Барча нефть қудуқлари билан радио линияси орқали боғланган кон диспетчерлик пунктига маълум вақтдан кейин ҳар бир қудуқдан олинаётган нефтнинг сифати ҳақида систематик маълумотлар келиб туради.

Радио телемеханиканинг бу янги системаси Бошқирдистон АССРининг Тўймазо нефть конларида муваффакият билан синаб кўрилди. Бу система операторларнинг меҳнатини анча енгиллаштиради. Эндиликда операторлар нефть қудуқларининг ишини назорат қилиш учун ҳамма қудуқларни бориб кўрмайди. У фақат диспетчернинг кўрсатмасига биноан, қаерга бориш зарур бўлса, ўша нефть қудугига боради.

ИНФРАТОВУШ

Ҳозирги замон фан ва техникасида ултратовушлар тобора кенг қўлланилмоқда. Ғоят катта тезликда тебранадиган бу товушларни инсон эшита олмайди. Шунингдек, тебраниши ҳаддан ташқари кам бўлган инфратовуш борки, уни ҳам инсон эшитмайди. Инфратовушнинг ажойиб хусусиятларидан ҳам фан ва техникада фойдаланила бошланди. СССР Фанлар академияси Акустика институтининг ходимлари бу соҳада катта иш олиб бормоқдалар.

Инфратовуш геологларнинг энг ишончли ёрдамчиларидир. Ерости бойликларини қидиришда инфратовуш методи қўлланилмоқда. Бу метод асосида ерости бойликлари белгиланади, бу бойлик ернинг қайси қатламида эканлиги аниқланади. Инфратовушларнинг турли хил моддалардан бир хил тезликда ўтмаслиги ана шу методга асос қилиб олинган. Инфратовуш, жумладан бир хил қалинликдаги тошкўмир, нефть темирдан турли хил тезликда ўтади.

Инфратовушлар келгусида янада кенгроқ қўлланилади. Унинг ёрдамида ғоят чуқур қудуқлардан сув ҳамда нефть чиқарувчи ҳозирги замоннинг ажойиб насосларини яратиш мумкин.

Редакцияга хатлар

Район аҳолисининг эҳтиёжи қондирилсин

Республикамиз пойтахти билан чегарадош Оржоникидзе районида бир неча колхоз, МТС ва бошқа муассасалар бор. Уларда минглаб колхозчилар, механизаторлар ҳамда бошқа касбдаги меҳнаткашлар ишлайди. Район территорияси анча катта. У, бир томондан, Қозоғистон, иккинчи томондан, Чирчиқ ва учинчи томондан, Тошкент шаҳри билан чегарадошдир.

Мана шундай катта территорияда яшаётган кўп сонли меҳнаткашларнинг маҳаллий саноат маҳсулотларига нисбатан кун сайин ортиб бораётган эҳтиёжи тўла қондирилмаётир. Районда маҳаллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи биргина «Сила» артели бўлиб, унинг фақат сартарошлик, кондитер ва виночилик цехи бор. Бу артелни кенгайтириб, унда косибчилик, тикувчилик, слесарлик ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи цехлар ташкил этиш имконияти бор. Меҳнаткашлар оҳак, черепица, пишиқ ғишт ва шу сингари бинокорлик материалларини жуда узоқдан ташиб келтирмоқдалар. Ҳатто оёқкийимларни, соат, радиоприёмник, патефон сингари маданий молларни ремонт қилиш учун Чирчиқ ёки Тошкентга олиб боришга мажбур бўлаётирлар.

Район аҳолиси меҳнаткашлар депутатлари Оржоникидзе район Советидан ва область ижроия комитети маҳаллий ва ёқилғи саноат бошқармаси ходимларидан юқоридаги талабларни ҳисобга олиб, районимизда маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ремонт корхоналари қуриш масаласини тезроқ ҳал этишларини кутмоқда.

Б. ТУРЛИБЕКОВ,

Қибрай қишлоқ Совети бошланғич партия ташкилотининг секретари.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Дазмолинг куймасин экан

3 ой бўллики, Қосим акаларнинг дазмоли куйиб қолган. Қосим ака ишдан қайтар экан, дазмол топиб келиш мақсадида деярлик ҳар куни Тошкентдаги магазинларга кириб ўтади. Магазинлан 220 вольтлик дазмол тополмай, уйига қуруқ қайтади.

Газетхон Қосим ака янги электр дазмоли сотиб олиб ўтирмасдан спиралини сотиб олса бўлади-ку, деб ҳаёлга келтирар. Лекин Қосим аканинг дазмол спиралини сўраб кирмаган магазини қолмагач, нима ҳам қилсин.

У Тошкент универмагига кирар экан, электр асбоблари билан савдо қилувчи бўлим томон юрди. Эҳтимол, бугун орзиқиб кутаётган нарсаси топилиб қолар. Аммо сотувчидан ҳар галгидек «йўқ» жавобини олди. Сотувчи Маҳамад Орифжоновга 220 вольтлик электр дазмоли, включатель, ролик, шнур сўраб мурожаат қилаётган, лекин топилмагач, ноилож магазиндан чиқиб кетаётганларнинг кўплигини кўриб, Қосим аканинг фиғони яна ошди ва «дазмолинг куймасин экан» деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Маълум бўлишича, Тошкент магазинларида 220 вольтлик электр дазмоли, унинг спирали йил бошидан буён йўқ бўлгани ҳолда, 127 вольтлик дазмолнинг турли нархлардаги турли хиллари қанча вақтдан бери сотилмай тахланиб ётибди. Бундан ташқари, 127 вольтлик лампочкалар, шнур, ролик, включателларни ҳам Тошкент магазинларидан топиб бўлмайди.

Бу хил зарурий буюмлар Марказий хозторг базасида ҳам йўқ. Харидорларнинг уй-рўзғор асбобларининг бу турлари мўл-кўл бўлишини истаб таклиф дафтарларига ёзаётган талаблари қоғозда қолиб кетмоқда. Марказий хозторг базаси (бошлиғи Ўртоқ Беликов) ва бошқа тегишли ташкилотлар бунга эътибор беришлари керак.

Қосим ака каби юзлаб меҳнаткашларнинг ҳақли талаби тезда амалга ошсин.

С. МУСАЕВ,
М. АФЗАЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Дўқа-дўқа-дўқ..."

Газетамизнинг шу йил 8 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа билан мақола босилиб, унда Янгийўл шаҳридаги ва шаҳарга кираверишдаги йўллар 2 йилдан бери тузатилмай расвоси чиқиб ётгани, бу ачинарли аҳволга шаҳар советидагилар муросасозлик қилиб келаётгани танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Янгийўл район комитетининг секретари ўртоқ Мусаевнинг редакциямизга хабар қилишича мақола Янгийўл шаҳар ижроия комитетида ҳамда район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган ва унда қилинган танқидни тўғри деб топилган. Йўлни белгиланган муддатда битирмай судраб келаётгани учун 980-йўллар эксплуатация участкасининг бошлиғи ўртоқ Петров қаттиқ огоҳлантирилган ва унга 1957 йил 17 июлгача ремонтни тамомлаш топширилган.

Бошланғич партия ташкилоти секретарларининг семинари

Ленин район партия комитети саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди.

Семинар қатнашчилари машғулот бошланиши олдидан канап-йигирув фабрикасининг цехларида бўлдилар, унда кўргазмали агитация, цех партия ташкилотлари ҳамда партгруппаларнинг иши, партия ташкилотининг корхона маъмурияти хўжалик фаолияти устидан партия контролининг ўрнатилиши ва цехларнинг хўжалик ҳисобига ўтиши билан танишдилар.

Сўнгра, фабрика партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ткачева маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан қай хилда контроль ўрнатилгани ҳақидаги иш тажрибасини сўзлаб берди. Бу масала юзасидан «Подъёмник» заводи партия ташкилотининг секретари Землянкин, қоғоз фабрикаси партия ташкилотининг секретари Степанов ўртоқлар ҳам ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинар охирида район партия комитетининг секретари ўртоқ Ғайбуллаев КПСС XX съезди қарорлари асосида корхона партия ташкилотлари маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контролни янада кучайтиришлари лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Д. КОЗЛОВ.

БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ ВИСТАВКАСИДА

Илғор саноат тажрибаларининг умумхалқ мактаби

1956 йилда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ ташкил этилган Бутуниттифоқ саноат виставкасининг эшиклари яқинда яна очилди.

Бутуниттифоқ саноат виставкаси дастлабки йилнинг ўзидаёқ ўтган йиллар мобайнида фан ва саноат соҳасида эришилган муваффақиятларни ҳамда социалистик индустрия тараққиёти перспективаларини пропаганда қилиш ишига катта ҳисса қўшди, КПСС XX съездининг олтинчи беш йиллик плани ҳақидаги тарихий қарорларини амалга ошириш ишига ёрдам берди. 1956 йилнинг 4 июнидан 1 декабрига қадар виставкани Москва ва Ленинград, Горький ҳамда Сталинград, Урал ва Сибирь, Украина ва Белоруссия, Закавказье ва Ўрта Осиё — хуллас Совет Иттифоқининг барча республика ва областларидаги корхоналардан 5 миллион 800 минг киши келиб кўрди. Шу билан бирга, виставкада 52 мамлакатдан 22 минг чет эл меҳмонлари бўлди.

Ўтган йили Бутуниттифоқ саноат виставкасини келиб кўрганлар унинг жуда катта ижобий ролини таъкидлаш билан бирга, кўпгина танқидий мулоҳазалар ва истакларни ҳам билдирган эдилар. Улар ҳаракатда кўрсатиладиган экспонатлар сонини кўпайтириши, технологик ҳамда автоматлаштирилган процессларни кенгроқ кўрсатиши, инженер-экскурсоводлар билимини оширишни таклиф қилдилар. Виставка коллективи саноат ва илмий-текшириш институтларининг ходимлари билан биргаликда юқоридаги мулоҳазаларни ҳисобга олди.

1957 йилги саноат виставкасининг тематикаси ўтган йилдагига қараганда анча бой ва қизиқарлидир. Бу ерда 1000 дан ортиқ машина, 2,5 мингга яқин прибор ва аппаратлар, 500 дан ортиқ модель ва макетлар, 750 га яқин технологик ва автоматлаштирилган процесслар намойиш қилиб кўрсатилмоқда. Виставкага 600 дан ортиқ ишлаб чиқариш новаторлари, рационализатор ва ихтирочининг иши қўйилган.

Бу йил саноат виставкасидаги экспонатларнинг 60 процентга яқини ҳаракатда кўрсатилади, турли хил плакатлар эса машина, прибор ҳамда технологик процессларнинг моҳиятини очиб беради.

Виставкага қўйилган барча машина, станок ва приборлар, автоматика ва энг янги технологик процесслар — халқимизнинг Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимиятининг 40 йиллиги мобайнида қўлга киритган ғоят катта ғалабаларини намойиш қилиб кўрсатади. Совет халқи КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ҳозирнинг ўзидаёқ ажойиб муваффақиятларга эришди. Бу муваффақиятлар виставкада ўз ифодасини топган.

1957 йилги Бутуниттифоқ саноат виставкасининг 21 павильонида 50 мингга яқин экспонат намойиш қилиб кўрсатилмоқда.

Хўш, бу ерда қандай янгиликлар ва қандай қизиқарли нарсалар бор?

Янги ташкил этилган «Фан» павильони бу ердагиларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Бу павильонда СССР Фанлар академияси ва унинг илмий-текшириш институтлари ҳамда лабораторияларининг фаолияти акс эттирилган. Павильоннинг жуда кўп экспонатлари Совет Иттифоқининг фан ва техника соҳасида, мамлакатимиз халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган турли хил назарий ва практик проблемаларни ҳал қилишда жуда катта натижаларга эришганлигини кўрсатиб турибди. Автоматика, телемеханика ва электроника соҳасидаги ишлар айниқса зўр қизиқиш тўғдирмоқда.

«Атом энергияси тинчлик мақсадларида» павильони ҳамманинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Бу ерда жуда кўп натурал экспонатлар қўйилган, ҳаракатдаги атом реактори намойиш қилиб кўрсатилади. Макетлар, диаграммалар, схемалар, фотографиялар ва моделлар бу ерга келганларни саноатда, қишлоқ хўжалигида, транспортда, медицинада, биологияда ва бошқа соҳаларда атом энергиясидан қандай фойдаланилаётганлиги билан таништиради.

Саноатимиз турли тармоқларининг эришган натижалари, даставвал халқ хўжалигини янада ривожлантириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асоси бўлган оғир индустриямиз эришган муваффақиятлар кенг намойиш қилиб кўрсатилган. «Машинасозлик» павильонида саноатнинг 15 етакчи тармоғи: қора ва рангли металлургия, кўмир саноати ва энергетика, оғир, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, автомобиль саноати ва бошқа соҳалар эришган ютуқлар намойиш қилиб кўрсатилади. Шунингдек, «Станоксозлик» ва «Геология, нефть, химия» павильонларига ҳам жуда кўп экспонатлар қўйилган.

Технология ва машинасозлик марказий илмий-текшириш институти роликли ғоят юпқа трубаларни прокат қиладиган станни намойиш қилмоқда. Бу оригинал конструкциядаги машина соатига деворларининг юпқалиги 0,025 дан то 0,4 миллиметргача бўлган трубаларнинг 30 метрини тайёрлайди. Бу ерга чўкичловчи манипулятор ҳам қўйилган. 8, 12 ва 30 минг тонналик гидравлик пресслар-нинг, 140 атмосфера босимида ва 570 градус температурада соатига 660 тонна буғ тайёрловчи кучли буғ қозонининг ҳаракатдаги моделлари ҳамманинг диққатини ўзига жалб этмоқда.

Виставкадаги бу йилги янгиликлардан бири машинасозлик технологиясига бағишланган махсус бўлимдир. Бу бўлимда прогрессив технологик процессларнинг техника-иқтисодий афзалликлари, одатдаги металл қирқувчи универсал станокларни модернизация қилиш ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерга қўйилган махсус мосламалар ана шу оддий станокларни ярим автомат ва автоматларга айлантиради, уларнинг иш унумдорлигини камида 25-30 процент оширади.

Худди шу бўлимда Украина ССР Фанлар академиясининг Патон номли электросварқа институти томонидан ишлаб чиқилган электрошлак усули билан пайвандлаш намойиш қилиб кўрсатилади. Бу усул мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан маҳсулот олишни икки баравар кўпайтириш, ишлаб чиқариш циклини 1,5-2 баравар қисқартириш, сарфланадиган меҳнатни 1,5 баравар камайтириш ва жуда кўп миқдорда металлни тежаб қолиш имконини беради. Масалан, биргина Барнаул заводининг барабан цехида бу усул жорий қилинганида цехнинг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошди, цех 1956 йилда 14 миллион сўмдан ортиқ иқтисод берди.

Рангли металлургия бўлимининг экспозицияси виставкага келган кишиларни автоматизация ва механизация масалалари билан, асосий металлургия процессларини назорат қилиб бориш ва бошқариш билан таништиради.

«Кўмир саноати» бўлимида энг янги комбайн ва машиналарни ҳаракатда кўриш мумкин. Шунингдек, янги кўмир ортувчи машиналар ҳамда кўмир қазишнинг янги усуллари намойиш қилиб кўрсатилади.

Энергетика бўлимида Братск ГЭСининг ҳаракатдаги моделини кўриш мумкин. Шу ерда электростанцияларнинг шлюз установкаларини электропривод ва автоматика билан бошқариш кўрсатилади.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлими ҳам диққатга сазовордир. 300 от кучига эга бўлган 12 цилиндрли «ДЭТ-250» дизелли электр трактори диққатни ўзига жалб қилади. Шунингдек, бу ерга «С-140», «ДТ-40» тракторлари, модернизация қилинган «ДТ-24», «ДТ-14» тракторлари ҳам қўйилган.

Шу бўлимда жўхорини, пичанни ҳамда дон экинларини алоҳида-алоҳида ўриб олувчи энг янги машиналарнинг намуналари бор. Булар орасида «С-6», «СК-3», «ПК-2,5» ва бошқа махсус подборшчиклар билан ускуналанган дон комбайнлари ҳам бор.

Виставкага келганлар автомобил, саноати бўлимида автобусларнинг янги маркаларини кўради. Минск автомобиль заводи ишлаб чиқарган 450 от кучига эга бўлган 40 тонна юк кўтарувчи автомобиль-самосвал ва бошқа автомашиналар ҳам диққатга сазовордир.

«Приборсозлик ва автоматизация воситалари, оптика ҳамда радиотехника» бўлимида металларни синаб кўрувчи янги машиналар, электрон приборлари, турли хил математик машиналар, узлуксиз ишловчи машиналар ва бошқа хил машиналар қўйилган. Шу бўлимда ярим ўтказгичли радиоприёмник ва телевизорларнинг янги нусхалари, электровакуум ва ярим ўтказгич приборларни кўриш мумкин.

Очиқ майдонларда йирик габаритли машиналарни: 25 тоннали автомобиль самосвалларни, порталь кранларини, Куйбишев-Москва электр узатувчи линияларга ўрнатилаётган юқори вольтли ускуналарни ва бошқаларни кўриш мумкин.

Июль ойида Ленин мукофотининг лауреати академик А. Н. Туполев конструкцияси асосида қурилган «ТУ-104» реактив пассажир самолёти, шунингдек геологоразведка ишларида қўлланилаётган Н. И. Камов конструкциясидаги вертолёт ва бошқа энг янги машиналар намойиш қилиб кўрсатилади.

Виставканинг кўпгина павильонларида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг гамхўрлиги туфайли аҳоли учун кенг истеъмол товарлари ҳамда турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқараётган саноат тармоқларининг қай даражада ривожланаётганлиги яққол кўрсатиб берилган. «Енгил саноат», «Пахта», «Ипак», «Луб ва жун саноати» павильонларига қўйилган газмол тўқийдиган, пойафзал ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган автомат ҳамда ярим автомат линиялар киши диққатини ўзига жалб этади. «Қанд», «Нон», «Ёғ ва техника ўсимликлари», «Сут саноати», «Гўшт саноати», «Сабзавот ва консервалар», «Балиқ саноати» ва «Виночилик» павильонларида озиқ-овқат индустриясининг янги асбоб-ускуналари намойиш қилиб кўрсатилади.

«Медицина саноати» павильони экспозициясида ҳам кўпгина янгиликлар бор. Бу ерга кейинги вақтларда ўзлаштирилган турли хил аппаратлар, приборлар ва инструментлар, шунингдек медицина препаратлари қўйилган. Юрак ва ўпкани операция қилишда қўлланиладиган ҳамда инструментлар медицина ходимларини ҳамда виставкага келувчиларни жуда қизиқтирмоқда.

«Ўрмончилик саноати. Ўрмон хўжалиги», «Қоғоз ва ёғоч ишлаш саноати» павильонларида мебель тайёрлайдиган автомат линиялар, қоғоз тайёрлайдиган янги машиналар ва бошқа асбоб-ускуналар намойиш қилиб кўрсатилмоқда.

Бу йил конкрет техника темаларида 300 га яқин илмий-техника конференцияси, семинарлар, техника кенгашлари ва новатор ҳамда мутахассисларнинг чиқишларини уюштириш мўлжалланган. Павильонлар ва бўлимларда кўпгина ишлаб чиқариш новаторлари ўз иш методлари ҳақида гапириб берадилар. Булар орасида Москва рандаловчи станоклар заводининг токари П. Биков, Оржоникидзе номли заводнинг строгалшчиги А. Лавренев, «Красний пролетарий» заводининг корусельшчиги Н. Кузьмин, «Калибр» заводининг шлифовальшчиги В. Михайлов, Коломенск оғир станклар заводининг токари А. Ротин, Ново-Краматорск заводининг фрезеровщчиги В. Коршунов, Москвадаги Лихачев номли автозавод токари С. Бушуев ҳамда Москва, Кострома ва бошқа шаҳарлардаги тўқимачилик фабрикаларининг новаторлари бор. Шунингдек, кўпгина профессорлар, техника фанлари докторлари ва кандидатлари ҳам виставкада лекция ўқийдилар.

Бутуниттифоқ саноат виставкаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезднинг белгилаб берган ғоят катта вазифаларини амалга ошириш учун зўр активлик билан курашаётган саноат ва фан ходимларига беқиёс катта ёрдам беради.

Ю. МИЗЮРОВ,

Бутуниттифоқ саноат виставкаси Техника бошқармасининг бошлиғи.

Культивация ва чопиқ сифатли бўлсин, ғўзалар кеча-кундуз қониб сув ичсин!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Моҳир универсалчилар ва фидокор колхозчилар

Универсалчи, сувчи. Шу кунларда қайси колхоз ва совхозга борманг, мўл ҳосил учун ҳаракатда шу кишилар ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигини сезасиз. Поёнсиз пахтазорларда пўлат отини тўхтовсиз ишлатаётган универсалчилар, ўгитга тўйган ғўзани саратон сувига қондириб суғораётган сувчилар шонани гулга, гулни кўсакка айлантиришда ҳал қилувчи кишилардирлар.

Мирзачўл районидаги Сталин номли колхозда ишлаётган донгдор универсалчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сотволди Матвалиевни фақат Мирзачўл воҳасида эмас, бутун республикамизда кўпчилик танийди. У янги ерлардан мўл ҳосил етиштиришда пахтакорлар билан ҳамкорликда ишлаётганлиги учун ана шундай шарафли номга эга бўлган.

Сотволди Матвалиев чигит экиш даврида ҳам меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатган эди. У колхознинг 210 гектар ерига квадрат-уялаб ва тўғри бурчак уялаб чигит экиб берган эди. Сотволди шу кунларда ўзи чигит эккан далаларда ғўзани узунасига ва кўндалангига сифатли культивация қилиб, мўл ҳосил тўплашда астойдил меҳнат қилаётир. Донгдор универсалчи шу кунгача 500 гектардан ортиқ ердаги ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қилиб берибди. Илғор механизаторлардан Ўрнак олиб ишлаётган Б. Исқонов, Ш. Бозорбоев, Р. Муҳамедиев, Ў. Норқўзиев каби уста универсалчилар ҳам кундалик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Ғўза парваришида яхши ишлаётган ана шу универсалчиларга колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг қарори билан пул мукофоти берилди.

Шунингдек, «Коммуна» колхозининг ўртоқ О. Тўйчиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам мўл ҳосил етиштиришда бу йилги шароитни тўғри ҳисобга олган ҳолда ғўзани табақалаб парвариш қилмоқдалар ва ҳар бир туп ғўзанинг нормал ривожланишига эришаётирлар. 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган бу бригада аъзолари ҳозиргача ғўзани икки марта комплекс парвариш қилдилар. Колхозчилардан С. Рамизова, Т. Аҳмедова ва С. Хусанова ўртоқлар кундалик чопиқ нормаларини ошириб бажаришяпти.

Райондаги «Октябрь» колхозининг Мамажон ота Султонов бошлиқ бригадасида ҳам ғўзанинг ривожи жуда яхши. Бу бригада аъзолари 99 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бригададаги сувчилар ғўзани кеча-кундуз қондириб суғоришга алоҳида эътибор бераётганликлари учун ердаги ўгит ғўзага яхши сингиб, экин жуда яхши ўсаётир ва шонаси, гули кун сайин кўпаймоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилган колхозчилар ва универсалчилар дала ишлари суръатини тобора кучайтирмоқдалар ҳамда сифатини янада яхшиламоқдалар.

Ғ. АЛИБЕКОВ, А. МУҲАМЕДОВ, Б. СОИБНАЗАРОВ, Т. БОЙМИРЗАЕВ, Х. ХАЛИЛОВ.

Гулни кўсакка айлантириш учун курашмоқдалар

«Мирзачўл» пахтачилик совхозининг коллективи янги ерлардан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа асосида ғайрат билан меҳнат қилаётир. Ана шу мусобақада ўртоқ П. Тўраев бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Улар ғўзани 60х60 схемасида ўстириб, агротехникадан тўла ва унумли фойдаланаётганликлари учун экин бир текисда нормал ривожланмоқда.

Чопиқ, культивация сифатли ўтказилаётганлиги, ғўзалар ўз вақтида озиқлантирилгач қондириб суғорилаётгани учун ҳар бир туп ғўза сер ҳосилли бўлиб ривожланаётир.

Июнь ойининг сўнгги кунларида бригаданинг 65 гектар ердаги ғўзаси текис гулга кирди. Пахтакорлар ғўза парваришини июль ойида янада кучайтириб, гулни кўсакка айлантириш, шу йўл билан мўл ҳосил етиштиришга эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу — янги ерликларнинг улуғ байрамга муносиб совғаси бўлади.

Т. АҲМЕДОВ.

Пахтакорларга оталик ёрдами

Янгийўл шаҳридаги кўпгина муассаса ва корхоналарнинг ходимлари Молотов номли колхознинг бир неча бригадаларини оталикка олиб, мўл ҳосил етиштиришда пахтакорларга амалий ёрдам бераётирлар. Оталик ташкилотларидан дам олиш кунлари чиққан шаҳарликлар бригадаларга бориб ёрдамлашиб, колхозчилар ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Масалан, райпромкомбинатдан 10 киши, Гидролиз заводи, СМУ-1, нон заводи ва бошқа ташкилотлар колхозларга чиқиб ёрдам беришдан ташқари, ўз ходимларини колхозда ишлаш учун 10-15 кунга юбориб ҳам кўйгандар.

Оталик ташкилотлари колхозчиларга амалий ёрдам бермоқдалар. Ҳозиргача райпромкомбинат ходимлари 25, Гидролиз заводи ходимлари 23, СМУ-1 ходимлари 26, нон заводи ходимлари 17 гектар ердаги ғўзани ўтдан тозалаб, чопиқ қилиб бердилар.

Оталикдаги колхозларга ёрдамга чиққан шаҳар медицина ходимлари ғўза парваришида қатнашиш билан бирга, колхозлардаги тиббий ёрдам ишларини яхшилашда ҳам кўмаклашмоқдалар.

Х. ЭРАЛИЕВ.

„Пойгачи"—универсалчи

Универсалчи шу кунларда ҳал қилувчи киши. Ана шу муҳим ва масъулиятли вазифани тўғри тушунган жуда кўп илғор универсалчилар поёнсиз пахта далаларида фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил тўплаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Колхоз ва совхозларга борганингизда ўз вазифасини жуда яхши бажараётган универсалчиларнинг номини «Ҳурмат тахта»ларига ёзиб қўйилганлигини кўрасиз. Ғўзасини чуқур культивация қилаётган, ўғит солиб бераётган, эгат очаётган универсалчини қишлоқнинг каттадан-кичиги ҳурматлайди, иззат қилади.

Шундай универсалчилар ҳам борки, улар далага чиққанларида зиммаларидаги муҳим масъулиятни — мўл ҳосил етиштиришда авангард эканлигини унутиб қўядилар. Натижада улар ишлаган далаларда ғўзанинг ривожи паст бўлади, қатор оралари яхши юмшатилмайди.

3-«Боёвут» совхозининг 5-бўлимида ишлаётган Собиров, 4-бўлимидаги Мужиков каби универсалчилар ишидан пахтакорлар ҳафа. Чунки улар далага кечикиб чиққанлари устига ғўзани жуда сифатсиз культивация қилмоқдалар. Собиров ҳам, Мужиков ҳам универсални жуда катта тезликда юргизаётгани сабабли айрим қаторлардаги ғўзаларнинг илдизи очилиб қолмоқда ва нобуд бўлаётир. Бундай фактни Октябрь районидаги Андреев номли колхозда ҳам учратиш мумкин. Колхозда ишлаётган баъзибир универсалчилар қатор ораларини 30-35 сантиметр ўрнига 15-18 сантиметр кенглиқда ва 4-5 сантиметр чуқурликда культивация қилаётирларки, бундан пахтакорлар ранжимоқдалар.

«Пойгачи» — универсалчилар ишига зарба бериш керак. Ҳар бир механизатор ғўзани юқори сифатли культивация қилиб берсин. Бу — унинг ватанпарварлик бурчидир.

(Мухбирлар хабаридан).

Н. Меламед чизган расм.

☆ ☆

«Суръатим зўр, ўзим жуда баландпарвозман
Универсалда гердайишда мисоли ғозман.
Сифат эмас, менга керак норма бажариш,
Механигим берган шундай қатъий фармойиш.

Пахтазорга келиб фақат ерни чизаман
Расо қувсам ҳатто «Победа»дан ўзаман.
Чангимга ҳам етолмайди пиёда, отлик,
Парвойим йўқ, майли, бўлса минг хил чатоқлик».

Культивация тиши қаранг, ерга тегмайди,
Универсалчи ўз ишига бўйин эгмайди.
Қани энди халқ олдида берилган ваъда —
Бу аҳволда қоласан-ку аламда, доғда.

Виждон билан ҳалол ишла, ҳовлиқмай ўртоқ;
Раҳмат десин меҳнатингни кўрганлар ҳар чоқ.
Мўл ҳосилнинг тақдири ҳам сенинг қўлингда,
Уз бурчингни адо этган сен чин кўнгилдан.

Дўстим, тездан йўқот барча ҳунук одатинг,
Букилмасдан халқ олдида қадди-қоматинг.

Акмал ПУЛАТ.

КАРТОШКА ВА САБЗАВОТ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

Экинлар юқори сифатли парвариш қилинсин

Калинин районининг колхозчилари, механизаторлари зиммасига шаҳар аҳолисини картошка, сабзавот, қовун-тарвуз ва бошқа экинлар маҳсулоти билан узлуксиз мўл-кўл таъминлашдек муҳим ва шарафли вазифа юклатилган. Колхозчилар партия ва ҳукуматимизнинг бераётган катта ёрдамлари ва чексиз ғамхўрлигига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, ҳосилни йиллан-йилга оширмоқдалар. Фақат Тошкент область шаҳарларига эмас, Москва, Иттифоқимизнинг бошқа йирик саноат шаҳарлари меҳнаткашларига ҳам кўплаб сабзавот юборяпти.

Районда кечки картошка экиш плани тўла бажарилди, 210 ўрнига 338 гектар ерга қовун-тарвуз экилди. Ворошилов номли, Генерал Раҳимов номли колхозларда экинлар сифатли парвариш қилинаётир. Булганин номли колхоз давлатга эртаги сабзавот топшириш планини ошириб адо этди.

Сабзавотдан юқори ҳосил етиштириш учун шу кунларда асосий кучни дала ишларига сафарбар этиб, экинларни сифатли парвариш қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Афсуски, райондаги айрим колхозларда картошка, сабзавот экинларини парвариш қилиш суръати паст ва сифати ёмон. Мусобақадош Андижон область колхозчиларининг ўзаро текшириш бригадаси кўрсатган камчиликлар ҳали ҳам тугатилгани йўқ.

Ленин номли колхозда экинлар парвариши мутлақо қониқарсиз. Колхоз раҳбарлари дала ишларини яхшилаш тадбирларини кўрмаётирлар. Колхозда куч етарли, аммо «кучимиз кам» деб баҳона қилинади. Аслида эса меҳнат интизоми ҳаддан ташқари бўшашиб кетган. Колхозчилар далага кеч чиқиб, эрта қайтадилар, уйларида ўтирган, томорқаларида ишлаётган кишилар кўп.

Ўртоқ Зайтуна Қосимова бригадасида аҳвол жуда ҳам ачинарли. Экинларни бегана ўтлар ўраб, ҳосилдан қолдираётир. Бир картала чопиқ қилинган картошкани кўриб:

— Қанақа чопиқ? — деб сўрадик.

— Чопиқ эмас, — деди бригада аъзоси ўртоқ Т. Мўминов, — ўт ўлдириш, қайтадан чопамиз...

Колхоз раиси ўртоқ Ш. Нуриддинов район партия комитетининг яқинда бўлган бюросида «ер етишмаётир» деб арз қилди. Бу нотўғри. Аслида колхоз правлениеси ерни исроф қилаётир. Тўла гектар ҳақида кўп гапирилган, топшириқ берилган бўлса ҳам, амалда иш қилинмаган. Колхоз далаларида кераксиз йўллар кўп, дала атрофидаги 4-5 метрлаб ерга экин экилмаган. Олмазорнинг ҳайдалган қисми фойдаланилмай қолиб кетган. Шунинг учун ҳам колхоз 80 гектар ерга кечки экин экмаган. Экишни тугаллаш учун саноқли кунлар қолганига қарамай, колхоз раҳбарлари ана, мана деб галга солиб юрибдилар.

Маленков номли колхознинг 4-бригадасига қарашли 3,5 гектар ердаги пиёз кўп меҳнат сарфланиб, икки марта «ўтилди-ю», натижа чиқмагач, яқинда бузиб бошқа экин экилди. 2-3-бригада далаларида ҳам ўтлан тозаланмаган пайкаллар кўп.

Каганович номли колхозда ҳам аҳвол яхши эмас. 130 гектар майдондаги картошкадан 66 гектаригина культивация қилинган. Эртаги картошканинг бир қисми озиқлантирилмаган. Хрущев номли колхозда 124 гектар ердаги картошкадан 21 гектаригина ўгитланган. Сталин номли колхознинг кўп майдондаги картошкаси ҳам парваришсиз турибди. Суғориш, озиқлантиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Планда 400 гектар майдонга гаримдори, бақлажон, ўқроп ва шу сингари кўкатлар экилиб, булардан давлатга 600 тонна маҳсулот топширилиши керак. Бироқ буни майда нарса деб экмай қўйганлар.

Колхозларда қарам, пиёз ҳосили йиғиштирилиб давлатга топширилиши, колхоз дўконлари орқали шаҳар меҳнаткашларига сотилиши керак. Бироқ, колхоз правлениелари давлатга маҳсулот топшириш ва сотишни ҳали кучайтирганлари йўқ. Хрущев номли, Охунбобоев номли, «Октябрь самараси», ҳатто пешқадам Ворошилов номли колхозда ҳам давлатга сабзавот топшириш дуруст бораётир, деб бўлмайди.

Калинин район ташкилотлари, МТС ва колхозлари сабзавот экинлари парваришини кучайтириб, кечки экинлар экиш планининг барча турлари бўйича тезда бажарилишини таъминлашлари ҳамда давлатга, шаҳар меҳнаткашларига сабзавот етказиб беришни тартибга солишлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ёш ўрмоншунос кадрлар

Бу йил Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмон хўжалиги факультетини 49 студент тамомлаб чиқмоқда. Шулардан 28 киши маҳаллий миллат вакилларидир. Яқинда институтни тамомлаётган ёш ўрмоншунос кадрлар диплом проектларини ёқладилар. Дипломантлардан Юсупали Содиқов Тошкент областининг Қўйлиқ ўрмон хўжалигида ўстирилаётган қимматли техника ўсимлиги — эфкомия устида иш олиб борган эди. Унинг бу ҳақда ёзган диплом проекти комиссия томонидан «аъло» баҳоланди. Шунингдек, С. Сагитов, Н. Бурганова, Ш. Тошкенбоев, Х. Тошпўлатов каби студентларнинг ҳам диплом темалари ҳар томонлама пухта ишланганлиги ва темасининг актуаллиги билан юқори баҳо олишга сазовор бўлди.

Факультетда диплом проектларини ёқлаш талабчанлик билан, юқори савияда ўтказилди. 24 студентнинг диплом иши «ало» баҳоланди, 22 киши эса «яхши» баҳо олди. Давлат имтиҳон комиссияси факультетни тамомлаётган 12 студентга имтиёзли диплом беришга қарор қилди.

К. ОРИФХОНОВ.

Шоналар гулга айланаётир

Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Бекобод районидаги Ленин номли, Сталин номли, Калинин номли колхозларнинг илғор бригада ва звеноларида июлнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини ўюшқоқлик билан давом эттираётирлар ҳамда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу илғор колхозларда ғўзалар учинчи марта комплекс парвариш қилинмоқда.

Шунингдек, райондаги Маленков номли колхоз аъзолари ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаб, мўл ҳосил учун курашни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Айниқса колхознинг ўртоқ Олимбой Бойболлаев бошлиқ бригадаси ғўзаларида мўл ҳосил тўпланаётир. Ғўза парваришининг намунали ўтказилишида механизаторлардан Ўринбой Султоновнинг хизмати катта. У ҳар куни 10-11 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилмоқда. С. Бекмирзаева, Т. Бозорқулова ва Ў. Шербекова каби илғор колхозчилар кунлик чопиқ нормасини ортиғи билан бажараётирлар.

Бригадада ғўзаларни қондириб суғориш, чопиқ қилиш ишлари яхши олиб борилаётганлиги учун ҳар тўп ғўзада 4-5 талан ҳосил шоҳи, 7-12 талан шона бор. Фидокорона меҳнат қилиш натижасида ғўзалар текис гулга кирди. Колхоз аъзолари шонани гулга, гулни кўсакка айлантириш учун курашиб, июль ойида ҳам ғўзани камида 2 марта комплекс парваришдан чиқариш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

Н. НОРБЕКОВ, У. ЮСУПАЛИЕВ, М. АҲМЕДОВ, Б. ЖУРАЕВ.

Гарибальди туғилган куннинг 150 йиллиги кунларидаги Италия

Италиянинг халқ қаҳрамони, Италия революцион демократиясининг энг катта йўлбошчиларидан бири Жузеппе Гарибальдининг туғилганига 4 июлда 150 йил тўлади. Бу демократ ўтган асрда Италияни «қуйидан» бошлаб бирлаштириш программасини кўтариб чиққан ва халқни чет эллар асоратига, феодал-абсолютизм тузумига ва клерикал реакцияга қарши курашга чақирган эди.

Илмий коммунизм асосчиларидан бири бўлган Фридрих Энгельс. Италиядаги озодлик ҳаракатида, жумладан 1860 йилда Неаполь Бурбонларига қарши Сициляияда кўтарилган қўзғолонда Жузеппе Гарибальдининг ролига баҳо бериб, «Сицилия қўзғолонига у (Гарибальди) энг яхши йўлбошчи бўлди», деб ёзган эди. Кейинроқ Ф. Энгельс бундай деган эди: Гарибальди «ҳақиқатда Италияни бирлаштирди... Италияни Луи Наполеоннинг найранглари эмас, балки революция озод қилди ва ҳақиқатда бирлаштирди».

Итальян халқи Гарибальдининг хотирасини ғоят ҳурмат билан тилга олади. Итальян ватанпарварлари Гарибальдини Италиянинг мустақиллиги ва равнақи учун фидокорона кўрашчи деб биладилар. Итальян халқининг бошига тушган кулфатли йилларда — фашистларга ва гитлерчи оккупациячиларга қарши кураш олиб борилган даврда Италияда Гарибальди номида партизан отрядлари ташкил қилинган эди. Бу отрядлар мамлакатдаги бутун партизан ҳаракатининг етакчи кучи бўлди. Бу ҳаракат натижасида 1945 йил 25 апрелда голибона ялпи қўзғолон кўтарилган эди. Эндиликда Италиянинг илғор кишилари Италиянинг мустақил тинчлик сиёсати, социал тараққиёт ва иқтисодий ривожланиш учун кураш олиб бормоқдалар. Аграр проблема, монополиялар ҳукмронлигини чеклаб қўйиш ва миллий даромадни адолатлироқ тақсимлаш масаласи шу кунгача ҳам ҳал қилингани йўқ. Мамлакат жанубий районларининг асрлардан бери давом қилиб келаётган қолоқлиги тугатилмади. Итальян ишсизларининг сони ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери 2 миллион кишидан камаймаётир.

Италия қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ғоят қийин аҳволга тушиб қолган. Мамлакатдаги ернинг 25 проценти 19 минг катта ер эгаларининг қўлидадир. Ерларнинг қолган қисми эса 9,5 миллион киши ўртасида тақсимланган. Лекин бу ерлар ҳам ғоят нотекис тақсимланган.

Деҳқонларнинг кўпчилик қисми бутунлай ерсиз бўлиб, ерни асоратли шартлар билан ижарага олиб ишлашга мажбурдир.

Капиталистик монополиялар бемалол ҳаракат қилиш имкониятидан фойдаланиб, миллий даромаднинг жуда катта қисмини ўзлаштирмоқдалар. Бениҳоя кўп фойда капиталистларнинг пўлат сандиқларида тўпланиб турган бир пайтда, итальян меҳнаткашларининг турмуш даражаси ҳали ҳам жуда паст. Буни, масалан, таққосли маълумотлар кўрсатиб турибди. Европа кўмир ва пўлат бирлашмасининг олий органи томонидан яқинда эълон қилинган маълумотларга қараганда, Италиядаги пўлат эритувчи ишчиларнинг олаётган иш ҳақи Люксембургдаги пўлат эритувчи олаётган иш ҳақининг ярмини ташкил қилади; итальян шахтёрларининг олаётган иш ҳақи Голландия ёки Бельгия кончиси олаётган иш ҳақининг 40 процентини ёки француз кончиси олаётган иш ҳақининг учдан бир қисмини ташкил қилади. Ваҳоланки Гарбий Европа мамлакатларидаги ишчиларнинг иш ҳақи шу қадар камки, у яшаш минимумини қондириш даражасига сира етмайди. Бу ҳол ҳаммага яхши маълумдир.

Италия ҳукмрон доираларининг ташқи сиёсат соҳасида ўтказаётган йўли Италиянинг аҳволига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Улар Италия конституциясида «Италия бошқа халқларнинг озодлигига ҳамла қилиш қуроли ва халқаро низоларни ҳал қилиш усули бўлган урушдан воз кечади», деб айтилган сўзларга бутунлай назар-писанд қилмаганликлари натижасида мамлакат ғарб давлатларининг Қўшма Штатлар бошчилигидаги босқинчи агрессив гуруҳларига аъзо бўлиб кирди, мамлакат территорияси атом уруши учун плацдармга айланиб қолиш хавфи туғилди.

Италия ҳукмрон доиралари Американинг зўр бериб қуролланиш сиёсати йўлидан бориб, бюджетдан ҳарбий ҳаражатлар учун чиқарилаётган маблағларнинг миқдорини йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар. Шу бюджетдан Италия ҳарбий министрлиги 1949-1950 молия йилида 300 миллиард лира, 1956-1957 молия йилида эса, 516 миллиард лира пул олган бўлса, 1957-1958 молия йилида бу рақамни кўпайтириб, 572 миллиард лирага етказиш мўлжалланмоқда. Зўр бериб қуролланиш ҳаражатлари граждан эҳтиёжлари учун чиқариладиган маблағларни камайтириш ҳисобига, кўпайтирилмоқда.

Италияда Америка ҳарбийларининг позицияси тобора кўпроқ кучайтирилмоқда. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда Италияда анчагина америка аскарий қисмлари жойлаштирилган. Верон яқинидаги казармаларда 5 минг америка солдати бор. Ливорнодаги таъминот базаси деб аталган жойда 2 минга яқин, Неаполда 1 мингга яқин америка солдати бор.

Америка ҳарбийларига Италия территориясигина топширилиб қўйилгани йўқ. Италиянинг расмий ҳарбий журнали «Ривиста милитаре»да олинган қуйидаги маълумотлар итальян халқи ҳам америка ҳарбийлари қўлига топшириб қўйилганлигини кўрсатади. «Бизнинг (яъни итальянларнинг. — Л. Р.) кўп сонли ва жисмоний бақувват одамлардан бўлган халқимиз,— деб ёзган эди ўша журнал, — ... лозим бўлиб қолган тақдирда улар учун муқим ҳарбий куч бўла олади... Бу эса, хомашёси кам бўлган миллат энди бўладиган урушда куч бўлишдан кўра кўпроқ юк бўлади, деган ва кенг тарқалган тушунчанинг асоссиз эканлигини кўрсатади». Бу сурбетлик билан қилиниган таклиф, ўз-ўзидан маълумки, Америка генераллари томонидан мамнуният билан қабул этилди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Италия Американинг атом базаларини қуриш учун ўз территориясини беришга йўл қўйган биринчи мамлакат бўлди.

Зўр бериб қуролланиш, мамлакат территорияси атом уруши учун плацдармга, итальянлар эса, «атом емига» айлантирилаётганлиги, халқнинг асосий иқтисодий ва социал талаблари бутунлай унутиб юборилаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Италияда шундай бўронли вазият вужудга келтирди, бу вазиятда Сеньининг ҳукумат кемаси ўзини ушлаб қола олмади ва ғарқ бўлди.

Июннинг ўрталарида унинг ўрнига келган Дзоли ҳукумати нуқул христиан-демократик партия вакилларидан тузилди. Шу партия раҳбарлигининг фикрича, бу ҳол ҳукуматнинг жипслигини таъминлаши ва бўрон вақтида кемадан қочиб кетишга йўл қўймаслиги лозим. Бироқ, янги ҳукуматнинг позицияси жуда бўшашиб кетган. Бу ҳукуматни фақат ўтакетган ўнг партиялар — монархистлар ва итальян социал ҳаракати партияси (янги фашистлар) қўллаб-қувватламоқда. Бошқа партияларнинг ҳаммаси — Коммунистик партия, социалистик партия, социал-демократик партия, республикачилар партияси, радикаллар партияси ва либераллар партияси Дзоли ҳукуматини қўллаб-қувватламаётир. Дзоли ҳукуматига ишонч билдириш тўғрисидаги резолюциясига овоз бериш вақтида бу ҳол айниқса яққол кўринди. Дзоли ҳукумати Италия конституциясига хилоф равишда тузилган партиялар — Италия янги фашистлари ва монархистлар қўллаб-қувватлаганлиги учунгина кўпчилик овоз олишга муваффақ бўлди. Шу сабабли, Дзоли истеъфо беришга мажбур бўлди. Бироқ, сенат раиси Мердзагора ва христиан-демократлар партиясининг секретари Фанфани ҳам ҳукумат-тузишга муваффақ бўла олмади. Натижада Дзоли истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олди ва унинг «истеъфога чиққан» ҳукумати парламентда муҳокама қилиниб бўлган программа асосида ўз вазифаларини бажаришга киришди.

Италия сенатидаги коммунистлар группаси Дзоли ҳукуматининг программасини қоралади. Бу программа, дейилади коммунистлар группаси қабул қилган резолюцияда, «меҳнаткашларнинг асосий талабларига жавоб бермайди. Илгариги ҳукуматлар учун характерли бўлган салбий хислатлар нуқул бир партия вакилларидан тузилган, ҳукуматда ҳам бор». Резолюцияда уқтириб айтилишича, Дзоли ҳукумати «ҳаддан ошишдан иборат атлантик сиёсатни ўтказиб келмоқда, халқнинг тинчлик йўлидаги интилишларига ва халқаро вазиятни ижобий ривожлантириш белгилари борлигига хилоф равишда, айниқса қуролсизланиш масаласида, шу сиёсатни ўтказиб келмоқда».

Ҳатто, Италиядаги расмий АНСА агентлигининг обзорчиси Маттеи ҳам Дзоли ҳукуматининг халққа мақбул эмаслигини ва беқарорлигини эътироф қилишга мажбур бўлди. Бўладиган парламент сайловларини назарга олганда, деб ёзди у, Дзоли ҳукумати атиги бир неча ой яшайди ва фақат жуда зарур масалаларнигина ҳал қилади. Маттеининг фикрича, «Умумий бозор» ва Евратом ҳақидаги шартномаларни ратификация қилиш аввалги бюджетларга қараганда ҳам кўпроқ ҳарбий характерда бўлган янги бюджетни тасдиқлаш мана шундай «энг зарур масалалардир».

Италия ўз миллий қаҳрамони туғилган куннинг 150 йиллигини мана шундай сиёсий вазиятда кутиб олади. Мамлакатда мана шундай вазият вужудга келганлигининг энг катта сабаби шуки, Италия ўз ҳукмрон доираларининг сиёсати натижасида чет давлатларга, аввало, Америкага қарам бўлиб қолди. Шу сабабли, Миланда чиқадиган «Жорно» газетасининг яқинда айтган бир фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Ўша газета бундай деб ёзган эди: «Соф виждонли итальянлар назаридан шу факт четда қолмайдики, Америка ёки Англия кўрсатаётган йўл муайян даражада манфаатдор бўлган гуруҳлар (банклар, нефть концернлари ва шу кабилар) белгилаб қўйган йўл эканлиги очиқ кўриниб турган тақдирда ҳам, биз ҳамма жойда ва ҳамма ишда шу йўл билан бориб, ўзимиз учун ҳам, болаларимиз учун ҳам ҳеч бир яхши қилаётганимиз йўқ, аксинча, мамлакатимизни бахтиёрлик учун курашдан, эҳтиромлик абадий равишда, чиқариб юборишга ёрдам бермоқдамиз ва ўзимизни келажакка бўлган перспективалардан маҳрум қилмоқдамиз».

Гарчи итальян ҳукмрон доиралари Америка ва Англия кўрсатиб берган йўлдан бораётган бўлсалар ҳам, аммо, Италия халқи, соф виждонли итальянларнинг ҳаммаси бу «йўлларни» газаб билан рад қилмоқда. Италия меҳнаткашлари Италиянинг шонли фарзанди Жузеппе Гарибальди туғилган куннинг 150 йиллигини нишонлаб, ҳукмрон доираларнинг халқ манфаатларига зид бўлган сиёсатига қарши, Италияни Америка империалистларининг мулкига айлантириш йўлидаги уринишларига қарши курашни кучайтирмоқдалар. Гарибальди, менинг ватаним қачон эркин ва мустақил бўлур экан, менинг ватанимда «на гладиаторлар, на хўжайинлар қолмайдиган» вақт келармикин, деб орзу қилган эди. Италия халқи Гарибальдининг бу сўзларини асло унутмайди. Италия халқи шундай вақт келишига ишонади.

Л. РЕЗНИКОВ.

Пионерлар лагерида

Походда.

Чопонота қишлоғи Тошкент шаҳрининг ғарби-жанубий қисмига жойлашган. Қишлоқ ўзининг қуюқ дарахтзорлари, соя-салқин хиёбонлари, соф ҳавоси, кўкаламзорлиги билан диққатингизни тортади. Чопонота—ёз ойларида маза қилиб дам олса арзийдиган жой. Бу ерда сув, ҳаво ва қуёшдан тўла баҳраманд бўлиб, соғлиқни мустаҳкамлаш мумкин. «Энергетик», «Красний галстук», «Звездочка», «Связист» ҳамда «Электрокабель», «Электролампа», Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» ва Каганович номидаги паровоз-вагон ремонт заводлари пионер лагерларининг шу қишлоқ территориясига ўрнашганлиги ҳам бечиз эмас. Ҳозир бу лагерларда қувноқ ўғил-қизлар мазмунли дам олмоқдалар, каникул кунларини хушчақчақлик билан ўтказмоқдалар.

Шашка хаваскорлари.

Биз «Ташсельмаш» заводининг Ворошилов номидаги пионерлар лагерида бўлдик. Лагерь қишлоқнинг баҳаво ерида барпо этилган. У ишғол қилган майдон тўрт гектардан ортиқдир.

Катта дарвозадан ичкарига қараб кетган кенг йўл гулзорга олиб боради. Рангба-ранг гулларнинг хушбўй ҳидлари думоғингизга урилиб, дилингизни равшан этади. Гулзор ўртасида доҳи Владимир Ильич Ленининг ҳайкали салобат билан қад кўтариб турибди. Доира шаклидаги бу катта гулзордан ошхонага, ухлаш павильонларига, стадион ва чўмилиш ҳовузига, кутубхона ва пионерлар хонасига олиб борадиган йўллар таралиб кетган.

Тонгда лагерь айниқса гўзаллашиб кетар экан. Пионер ва ўқувчиларга таниш бўлган горнинг янгроқ садоси, тонгдаги табиат ҳуснига маст бўлиб ҳониш қилаётган булбулнинг ёқимли сайраши, ҳаммаёқни қоплаб ётган яшил дарахтлар баргининг енгил шабада оҳиста шитирлаши, хуллас, ҳамма-ҳаммаси кишини мафтун этади, дилни қитиқлайди.

Лагерь бошлиғи Зоя Михайловна Черневская бизни очиқ чехра билан қарши олди ва бу ердаги завқли ҳаёт билан муфассал таништирди.

Ошпез ва хизматчиларнинг ўғил-қизлари қувнаб дам олаётган бу лагерда «Ташсельмаш» заводи маъмурияти барча зарур шароитларни яратиб берган.

— Лагеримизда мавсумда уч сменада ҳаммаси бўлиб 950 бола дам олади, — дейди Зоя Михайловна бизни врач кабинети томон бошлаб борар экан, — ҳозир биринчи сменада 335 бола ҳордиқ чиқармоқда.

Дам олаётганларга бир кунда тўрт маҳал овқат берилади.

— Болаларга бераётган овқатларимиз: тухум, сут, гўшт, турли сабзавот маҳсулотлари уларнинг семиришлари ва бақувват бўлишларига қаратилгандир, — деб гап бошлади врач Александра Каменская. — Энг муҳими шундаки, улар бу таомларни қатъий режим асосида истеъмол қиладилар. Шунингдек, спорт машғулотлари билан шуғулланадилар, вақтида ўйнаб, вақтида дам оладилар. Бу эса овқатнинг яхши ҳазм бўлиши ва киши организмига сингишида катта роль ўйнайди.

Болаларнинг маиший турмушини яхшилаш билан бирга, бу ерда бўш вақтнинг мазмунли ўтиши учун ҳамма зарур тадбирлар кўриб қўйилган. Малакали раҳбарларга эга бўлган моҳир қўллар, радиотехника, фото, каштачилик, авиомодель, хор, драма каби тўгараклар, турли қизиқарли китобларга бой бўлган кутубхона, зарур инвентарлар билан таъминланган катта спорт майдони, чўмилиш ҳовузи дам олаётганлар хизматида.

Еш каштачилар.

Пионер ва ўқувчилар 8 та отрядга бўлинишган. Бу отрядлар эса бирлашиб, Олег Кошевой номли дружинани ташкил этган. Отрядларнинг ҳаммаси пионер вожатий ва тарбиячиларга эга. Улар ўзлари раҳбарлик қилаётган болаларни тўғарак машғулотларига жалб этмоқдалар, турли оммавий тадбирлар ўтказиб, пионерларнинг яхши дам олишларига эришмоқдалар. Тарбиячилардан К. Хлопунова, А. Першина, Г. Колибина ўртоқлар ўз вазифаларини садоқат билан бажараётирлар.

Уз тассуротларини альбомга ёзмоқдалар.

— Тўғарак машғулотларига пионер ва ўқувчилар актив қатнашадилар. — дейди лагернинг бош пионер вожатийси Надежда Онуфриенко. — Улар тез кунда рақсга тушишни, ашула айтишни ёки фотоаппарат билан расм олишни, каштачилик тикишни, ишқилиб бирорта фойдали нарсани ўрганиб олмоқдалар. Бундан ота-оналаримиз ҳам хурсанд. Борис, Лёва, Геналарнинг қизишиб, ғайрат билан футбол ўйнашлари, жажжи қизлар Света, Таня ва Нинанинг қушдек учиб, енгил рақсга тушишларини кўрсангиз, беихтиёр завқланиб кетасиз.

Спорт майдонида.

Ҳар бир сменада дам олувчиларга беш марта кинофильм кўрсатилади. Биринчи сменага келганлар «Ханжар», «Ўлмас гарнизон», «Бедарак кетган» болий фильмларини мароқ билан тамоша қилдилар. Лагерь атрофидаги жойларга уюштирилган походлар, «Бизнинг талантлар» темасида ўтказилган сбор ҳам болаларда катта таассурот қолдирди.

Завод пионерлар лагерида дам олаётган қувноқлар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан бениҳоя мамнунлар. Болаларнинг қизиқсиз магиздек юзларидаги табассум, хушчақчақ ўйин-кулгилар бундан далолат бериб турибди.

Биз лагердан бир нечта фотосуратлар ҳам олиб қайтдик. Саҳифадаги суратларда мазмундор лагерь ҳаётининг айрим лавҳалари акс эттирилган.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Ухлаш павильони. В. Салов фотолари.

ШАҲАР ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР МАЙДОНИ

Тошкентда велосипед спорти ҳаваскорлари тренировка ўтказиш учун шу пайтгача махсус жойга эга эмаслар. Транспорт қатнаб турган кўчаларда тренировка қилиш эса хавфли ва ноқулайдир.

Велосипед спортини янада ривожлантириш ва ҳаваскорларга қулайлик туғдириш мақсадида Тошкентдаги ипподром атрофида махсус шаҳар велосипедчилари майдони қуришга қарор қилинди. Доира шаклидаги бу майдон йўлининг эни 6 метр, узунлиги эса 3500 метр бўлади. Қурилиш ишлари шу йил бошланади. Келгуси йилда эса майдон фойдаланишга топширилади.

ТУРИСТИК ПОХОДГА ЖУНАДИЛАР

Тошкентдаги Н. Островский номли пионерлар саройидан бир группа пионерлар Ленинград — Москва — Львов маршрути бўйича саёҳатга чиқиб кетдилар. Ёш сайёҳлар мазкур шаҳар пионерларининг қилаётган қизиқарли ишлари билан танишадилар.

Пионерларнинг областимиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб поход ва экскурсиялари ҳам уюштирилади. Шу кунларда пионерлар саройининг бир группа ёш туристлари Бўстонлиқ районининг Бурчмулла қишлоғига жўнаб кетдилар.

Яқин кунлар ичида сарой пионерларидан яна бир группаси катта маршрут бўйича республикамизнинг область ва шаҳарларига походга жўнайди. Улар Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Ҳамзаобод сингари қатор шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, у жойларнинг хусусияти билан муфассал танишадилар.

И. МУРАТОВА.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирувчиларга совға

Ўзбекистон меҳнаткашлари қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётганларга катта ғамхўрлик қилмоқдалар.

Уларга турли маданий буюмлар, китоблар, спорт инвентарлари юбормоқдалар. Яқинда Чирчиқ кутубхоналари қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларга атаб мингга яқин турли бадиий ва сиёсий китоблар тўплаб юбордилар. Китоблар орасида классикларнинг, ҳозирги замон совет ва чет эл авторларининг асарлари бор.

Бундан бир неча кун илгари шаҳар маданият бўлими ҳам совға юборган эди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Колхозларда уй-жой қурилишлари

СОЛДАТСКОЕ. («Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан). Кейинги вақтда Куйи Чирчиқ районидаги Красин номли колхоз қишлоғи таниб бўлмас даражада ўзгарди. Колхозда қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Янги-янги кўчалар бунёдга келмоқда.

Колхоз правленеси ўтган йили 30 колхозчига 2 хонадан иборат стандарт уйлар қуриб берди. Бу йил яна шундай уйлардан 40 таси қуриб битказилади. Ҳозир шулардан 10 таси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда Акбарали Эркабоев, звеновод Дё Дянчун, комбайнер Ли Ир-ден каби илғор колхозчилар янги уйларга кўчиб кирдилар. Колхозчиларнинг уйлари электрлаштирилди. Электр ёрдами билан кийимларни дазмол қилиш, овқат пишириш колхозчилар ҳаётига сингиб кетди.

Бундай қурилишлар районнинг Димитров номли, «Путь коммунизма», Сталин номли, Буённий номли ва бошқа колхозларида ҳам тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ер юзининг ҳамма станциялари кузатмоқда

Халқаро геофизика йили бошланди

1-июлда Гринвич вақти билан ноль соатда жаҳон фанида ғоят катта воқиа бўлган халқаро геофизика йили бошланди. Бунда узоқ вақт давомида 60 мамлакатдаги олимларнинг коллективлари тайёргарлик кўрдилар.

Маълумки, Ер магнитизмини, қутб ёғдусини, ионосферадаги ҳодисаларни, космик шуъалларни ўрганиш соҳасида совет станцияларининг кўпчилигига раҳбарлик қилиш СССР Алоқа министрлигининг ер магнитизмини, ионосферани ҳамда Москва яқиндаги радио тўлқинлари тарқалишини ўрганиш илмий-текшириш институтига юкланган.

Бу илмий марказда ТАСС мухбирига хабар беришларига кўра кузатишларни бошлаш ионосферада қуёш устидаги бирдан кўтарилган портлашлар натижасида ҳосил бўлган муҳим ҳодисалар билан бир вақтга тўғри келди. Шу муносабат билан махсус «жаҳон интервали» эълон қилиниб, бу вақт давомида дунёнинг ҳамма станцияларидан айни бир вақтда кузатиш ишлари олиб борилади.

Халқаро геофизика йили программаси бўйича ўтказилган биринчи кузатишлар тўғрисида Мурманскдан, Ленинграддан, Свердловскдан, Томскдан, Якутскдан, Ашхободдан ва бошқа Совет станцияларидан институтга маълумотлар кела бошлади.

Халқаро геофизика йили бошланиши муносабати билан 1-июлда Москва вақти билан соат 3 да (яъни Гринвич вақти билан ноль соатда) халқаро геофизика йилини ўтказиш Совет комитетининг раиси академик И. П. Бардин Москва радиоси орқали сўзга чиқди. У бундай деди:

— Фан тарихидаги бу муҳим пайтда бутун ер юзида минг-мингларлаб кузатувчилар халқаро геофизика йили программасини бажариш юзасидан масъулиятли ишга киришдилар.

Геофизика йили қатнашчилари олдида қийин вазифалар турибди. Узоқ давр мобайнида мураккаб геофизика ҳодисаларини тўхтовсиз кузатиб бориш лозим. Бу кузатишларнинг натижаларидан бутун дунёнинг олимлари фойдаланадилар.

Сизларга, станция ва обсерваторияларнинг ходимларига Антарктиканинг, Арктиканинг текширувчиларига, узоқдаги океанография экспедицияларининг қатнашчиларига, олдингизда турган қийинчиликларни муваффақият билан бартараф қилишни ва самарали иш олиб боришни тилайман. (ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДАЛАЛАРИДА УРИМ-ИИҒИМ ИШЛАРИ

ПРАГА, 1 июль. (ТАСС). Чехословакиянинг ҳамма жойида ғалла ўрим-йиғими бошланди.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министрлигида ТАСС мухбирига қуйидагиларни билдирдилар: Бу йил ўрим-йиғим ўтган йилларгагига қараганда анча уюшқоқлик билан яхши ўтади, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида тракторлар, ўрим-йиғим машиналари ва транспорт воситалари кўп. Масалан, Чехословакия далаларида 50 мингдан кўпроқ ёки ўтган йилдагига қараганда 4 мингта кўп трактор ишлайди. Шу тракторларнинг бир қисми Чехословакия саноати томонидан ишлаб чиқарилган, бир қисми эса, Германия Демократик Республикасидан ва Совет Иттифоқидан келтирилган тракторлардир.

Чехословакия далаларида бу йил 4.300 ғалла комбайнидан ташқари, ўз ватанимизда ва Венгрияда ишлаб чиқарилган 1 мингдан кўп силос комбайни, Совет Иттифоқидан келтирилган 150 та маккажўхори комбайни, шунингдек лавлаги кавлаб берадиган жуда кўп комбайнлар биринчи марта ишга тушади. Бу йил республика МТСларида биринчи марта ишга тушириладиган машиналар орасида Совет мамлакатидан келтирилган 500 дан кўпроқ кўчма ғалла сушилкалари, дон юклайдиган ва сомонни ғарам қиладиган минглаб машиналар, шунингдек яна кўпгина бошқа машиналар ҳам бор.

Уруш ветеранлари Совет комитетининг делегацияси Белградга келди

БЕЛГРАД, 1 июль. (ТАСС). Уруш ветеранлари Совет комитетининг Украина ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари С. А. Ковпак бошчилигидаги делегацияси кеча Белградга келди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

* Пекинда кенг экранли стереофоник кинотеатри очилди. Хитойда биринчи бўлган бу кенг экранли кинотеатрда «Пролог» деган совет рангли бадиий фильми ва «Пекинда 1957 йилги 1 Май намойиши» деган хитой фильми кўрсатилди. Кўрикда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министри Чжоу Энь-лай, бош министр ўринбосари Чень И, Хитой Халқ Республикаси маданият министри Ян-бин, шунингдек «Пролог» фильмини яратган совет ходимлари делегацияси ҳозир бўлди.

* Синпхода (Корея) балиқ консерва заводи ишга туширилди. Бу завод Совет Иттифоқи томонидан корейс халқига кўрсатилаётган ёрдам ҳисобига қурилган. Завод бир йилда 4.000 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводнинг банка тайёрлаш, консерва, холодильний ва бошқа цехлари энг янги машина ускуналар билан таъминланган.

* Копенгагенда ёшларнинг фестиваль байрами бўлиб ўтди. Фелледпаркендаги каттакон майдондаги ҳар хил аттракционларда, рақс майдончаларида, эстрада олдида жуда гавжум эди. Совет артистларининг чиқишлари катта муваффақият билан ўтди.

* Тайванда энг кучли сув тошқини бўлди. Кучли ёмғир ва довуллар натижасида кўп шаҳарлар, шу жумладан Тайчжун, Гаосюн, Цзчлун ва Биндун шаҳарлари зарар кўрди. Кучли довул натижасида минглаб уйлар вайрон бўлди. Кўп киши ҳалоқ бўлди.

2 июль. (ТАСС).

„КИМ БЎЛСАМ ЭКАН“

Етуклик аттестати ҳам қўлга тегди. Чидам ва матонат билан ўтказилган 10 йиллик ўқиш даври ўтди-кетди.

Энди «Ким бўлсам экан»,« Қаерга кирсам экан» каби ҳаёт йўлини белгилайдиган сўроқларни ҳал қиладиган фурсат ҳам етиб келди. Бу сўроққа ватанимизнинг ҳамма еридан «бўёққа, менинг қучоғимга» жавоби жаранглайди. «Менинг машинамга, далага...» деб чақиради. Заводлар «менинг бағримга» деб мурожаат қилади. «Ўрган, чиниқ, сўнгра кел, илм ол» такидлайди илм ўчоғи. Худди шу чақириқларни ўтган дам олиш куни Тошкентдаги М. Горький номли болалар паркида 10-синфни тугатган ўқувчиларнинг умумшаҳар йиғилишида эшитиш мумкин эди.

«Ташсельмаш» заводи ташкил қилган фото витрина олдида «Ҳурматли битирувчилар, «Бизнинг заводимизга келинг! Заводда токарь, слесар, қуювчи каби бир неча касбни эгаллайсиз» сўзлари ёзилган.

Тўқимачилик комбинати ташкил қилган фото-витринада эса моҳир тўқувчи қиз-жувонлар дастгоҳ ёнида туриб «Қадрдон дугоналар бизнинг сафимиздан жой олинг» хитоби билан дўстона маслаҳат бермоқдалар.

Худди шу фикрни тантанали мажлисда сўзга чиққан тўқимачилик институти студенткаси Йўлдошева ҳам изҳор қилди. «Биз 10-синфни тугаллабоқ институтга кириб ўқий бошлаган эдик. Лекин бизда на турмуш ва на иш тажрибаси бор эди. Шунда биз жуда кўп қийинчиликларга дуч келардик. Аввал ишлаб чиқаришда тажриба орттирмаганимизга ачинардик».

Шунингдек сўзга чиққан саноат корхоналари директорлари, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ёшларга қимматли маслаҳатлар бердилар. «Сизларнинг келажагингиз порлоқ — дейди хизмат кўрсатган кекса ўқитувчи ўртоқ Шитова, — сизни сермазмун ва фаровон ҳаёт кутади».

Консультация ва справкалар столлари ёнидан ўтар экансиз йигит-қизларнинг «Мен Янгиерга боришга аҳд қилдим, сенчи?», «Мен заводга борадиган бўлдим» каби сўзлари, хушчақчақ кулгилари, табрик хитоблари эшитиларди.

Парк байрам либосида... Ҳаммаси оқ крепдешин кўйлак кийган, қора сочларига пушти ранг лента таққан лобар қизлар пар-пари билан танца тушар, йигитлар бокс тушишар, акробатик ўйинлар қизиган эди...

10-синфни битирувчиларнинг умумшаҳар бали жуда қувноқ ва кўнгилли ўтди.

Ф. УСМОНОВА.

Бирма парламент делегацияси Москвадан жўнаб кетди

СССРда уч ҳафтадан буён меҳмон бўлиб турган Бирма Иттифоқининг парламент делегацияси 1 июлда эрталаб Москвадан жўнаб кетди. Делегация Ленинградда, Свердловскда, Сталинградда, Сочида, Фрунзеда, Уфада, Ериванда, Киевда, Вильнюсда бўлди. Ҳозир Бирма парламент аъзолари Чехословакия миллий мажлисининг таклифига мувофиқ, Прагага жўнаб кетдилар.

Москваликлар Бирма меҳмонлари билан самимий хайрлашиб қолдилар. (ТАСС).

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг сессиясида

ПЕКИН, 1 июль. (ТАСС). Бугун маҳаллий вақт билан соат 15 да Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси сессиясининг қатнашчилари яна ялпи йиғилишга тўпландилар.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Бо И-бо халқ хўжалиги планининг ўтган йилги бажарилиш якунлари тўғрисида ва шунингдек 1957 йилги план тўғрисида доклад қилди.

ФУТБОЛ

«МАШИНОСТРОИТЕЛЬ» КОМАНДАСИ РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНИ

Ўтган якшанба куни «Динамо» стадионида футбол бўйича республика биринчилиги учун ўтказилаётган финал мусобақаларининг охирги ўйини бўлди. «Машиностроитель» ва «Динамо» футбол командалари учрашдилар. Қайси команданинг 1957 йил учун республика чемпиони бўлишлиги ана шу охирги ўйиннинг натижасига боғлиқ эди. Шу сабабли ҳам футбол ишқивозлари мусобақани зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Биринчи таймда ўйиннинг 29 минутида «Машиностроитель» командаси аъзоси Гришин (№ 8) чиройлик комбинация қилиб, қарши томон дарвозасига биринчи тўпни киритди ва ҳисобни очишга ҳисса қўшди. Бунга жавобан динамочилар ҳужумни кучайтирадилар ва ҳисобни тенглаштиришга эришадилар. Шундай қилиб, биринчи таймдаги бу дуранг «Машиностроитель» командасига республика чемпиони бўлиш учун етарли эди. Бўлиб ўтган ўйинларда уларнинг ютуқ натижаси динамочиларникидан афзал эди.

Финал мусобақалари натижасида 6 имкониятдан 4 очкога эга бўлган «Машиностроитель» (тренери Ўртоқ Жигалкин) командаси республика чемпиони номини олишга муяссар бўлди. Команданинг Трошин, Тогаев, Самотько, Равнягин, Родичев каби футболчилари яхши ўйнадилар.

«Динамо» (Тошкент) командаси иккинчи, «Химик» (Чирчиқ) командаси учинчи ўринни эгаллади. Ўтган йилги чемпион ТОДО командаси тўртинчи ўринга тушиб қолди. Финал мусобақаларини ёпиш маросимида ғолибларга мукофот ва дипломлар топширилди .

А. КИМ.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино — 4/VII да **Алишер Навоий.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VII да **Трубадур**, 4/VII да **Уйқудаги гўзал.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VII да **Равшан ва Зулҳумор**, 4/VII да **Азиз ва Санам,**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ёзги биносида — 3/VII да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** ва бошқаларнинг иштироки билан **Катта концерт.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз янги кинокомедия **Ёшликка саёҳат**, кечқурун кенг экранли рангдор фильм **Илья Муромец.**

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз ва кечқурун **Ёшликка саёҳат**, кеч соат 10-20 минутда **Турли тақдир.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 7 гача **Ёшликка саёҳат**, кеч 8-45 минут ва 10 яримда **Биринчи севги қиссаси.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **У сизни севади.**

ВАТАН», «ХИВА», «1 МАЙ» — **Ёшликка саёҳат.**

«ИСКРА», «САЛЮТ», «УДАРНИК» — **У сизни севади.**

ЛЕНИН НОМЛИ АРТЕЛЬ
хотин-қиз устки кийимлари тикиш учун
заказ қабул қилади
Заказлар ўн беш кун ичида бажарилади.
Артелга эркак ва хотин-қиз устки кийимлари тикувчи малакали мастерлар ва бичиқчилар ҳам керак.
Адрес: Тошкент шаҳар, Туркистон кўчаси, 2-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

3-ТЕГИРМОН ЗАВОДИГА ИШЧИЛАР КЕРАК
Меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.
Тошкент шаҳар, Ульяновская кўча, 48-уйда кадрлар бўлимига эрталаб соат 9 дан кеч 5 гача келиб учрашилсин.

Калинин район, Келас ғишт заводида турувчи **Минур (Мунир) Масалимовнинг** шу районнинг Молотов қишлоқ советидаги Кўктерак қишлоғида турувчи Алфинур Насиповадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-участка халқ судида кўрилади.

Навоий кўчаси, Автоматний проезд, 1-тупик, 1-уйда турувчи **Абдулла Туроповнинг** Жарариқ кўчаси, 7-тупик, 10-уйда турувчи Фотима Усмоновна Муҳамаджоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03567. «Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1837.